

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРА  
АКАДЕМИЯСИ**

**ҚОНУНЧИЛИК ИЖРОСИ УСТИДАН НАЗОРАТ КАФЕДРАСИ**

**Прокуратура органларининг инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш  
соҳасидаги фаолияти ва уни такомиллаштириш истиқболлари**

мавзусида ёзилган

**МАГИСТРИК ДИССЕРТАЦИЯ ИШИ**

**Бажарди: Муминов Хамза Аббос ўғли**  
Бош прокуратура Академияси  
магистратура тингловчиси

**Илмий раҳбар: Н.А.Азизов –** Бош  
прокуратура Академияси доценти

**ТОШКЕНТ – 2020**

## **Мундарижа**

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>I БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>8</b>
1.1. Прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти тушунчаси ва ривожланиш тенденцияси.....	9-25
1.2. Прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини амалга оширишнинг қонунчилик асослари.....	26-34
<b>II БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>35</b>
2.1. Прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини амалга оширишнинг халқаро-ҳуқуқий жиҳатлари.....	35-43
2.2. Прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги идоралараро ва халқаро ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари.....	44-54
<b>III БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ.....</b>	<b>55</b>
3.1. Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш борасидаги халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш масалалари.....	55-70
3.2. Прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари.....	71-76
<b>ХУЛОСА.....</b>	<b>77-81</b>
<b>ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.....</b>	<b>82-86</b>
<b>ИЛОВАЛАР</b>	

## **КИРИШ**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги.** Бугунги кунда инсон шаъни ва қадр-қиммати масаласи жуда долзарб ҳисобланиб, мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар қаторида суд-хуқуқ ислоҳотлари ниҳоятда эътиборли бўлиб, айниқса прокуратура соҳасига доир қонун ҳужжатларига киритилаётган ўзгартериш ва қўшимчалар, яъни бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг замирида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари ҳимояси мужассамлиги давлатимизнинг ўз олдига қўйган мақсадлари сари дадил бораётганлигидан далолат, десак муболаға бўлмайди.

Инсон хуқукларини ҳимоя қилиш жамиятда адолатни барпо этиш демакдир. Шундай экан, инсон хуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишининг қонуний асосларини яратиш, инсон хуқуқлари поймол қилинишининг олдини олувчи тизимга асос солиш ва ваколатли давлат органларининг фаолиятини мувофиқлаштириш давлатнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади. Ушбу вазифалар амалга оширилишида прокуратура органларининг фаолияти аҳамиятлидир.

Шу билан бирга, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг самарали рўёбга чиқарилиши — мамлакатда қонунийлик ва хуқуқ-тартиботни таъминлаш, демократик, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ҳамда инсон хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонун ҳужжатларини сўзсиз ижро этиш учун прокуратура органларининг куч ва имкониятларини тўлиқ сафарбар қилишни тақозо этади.

Шу каби, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари ва янги вазифалари прокуратура органлари фаолиятини ташкил этишни, шу жумладан, қонунийлик аҳволини тизимли таҳлил қилиш, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва худудларни комплекс ривожлантиришга

қаратилган чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир этувчи хукуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш борасидаги фаолиятни янада такомиллаштиришни талаб этади.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органларининг инсон хукуqlарини ҳимоя этиш борасидаги фаолиятида бугунги кунда бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан:

-Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг чет давлатларда хукуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш етарлича йўлга кўйилмаган;

-қонунлар ижросини текшириш давомида текшириш муддатларининг асоссиз равишда чўзилиб кетиши текшириш обьектларининг ўз фаолиятларини тўла ва эркин амалга оширишига тўскинлик қилмоқда;

-қонунлар ижросини текшириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатларида ўз аксини топмаган, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 6 декабрдаги 172-сонли буйруғига 1-илова Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламентида қонунлар ижросини текшириш тартиби тўлиқ баён этилмаган.

Жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда демократик, ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришга, инсон хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг прокуратура органлари томонидан сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш мақсадида:

-аҳоли билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот ўрнатиши, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ҳал қилишни, аҳолининг ҳукуқий маданиятини оширишни, жамиятда қонун бузилишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришни;

-профилактика тадбирларининг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги тадбирларнинг таъсирчанлигини, хукуқбузарликлар содир

етилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

-прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги самарали хорижий тажрибани миллий қонунчиликка имплементация қилиш лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида” (2001), “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги (2008) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳуқуqlари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июль кунидаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-911-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 марта “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа норматив-хуқуқий ҳужжатларда

белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қиласи.

**Тадқиқот обьекти** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятининг ҳуқуқий механизмлари ва уни такомиллаштириш масалалари ҳисобланади

**Тадқиқот предметини** Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятининг механизмини такомиллаштиришга оид илмий қарашлар ҳамда назарий ёндашувларни акс эттирган адабиётлар, ушбу соҳани тартибга солувчи норматив ҳуқуқий хужжатлар ташкил қиласи.

**Тадқиқот мақсади** прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини ислоҳ этиш орқали самарадорликка эришиш ҳамда бу борадаги фаолиятнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат

**Тадқиқот вазифалари:** прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятининг назарий асослари ва ривожланиш тенденциясини илмий таҳлил этиш;

прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини амалга оширишнинг миллий ва хорижий қонунчилик асосларини илмий тадқиқ этиш;

прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасида идоралараро ва халқаро ҳамкорлигининг ривожлантириш йўлларини излаш ва илмий асослаш;

Ўзбекистон Республикасининг инсон ҳуқук ва эркинликларини таъминлаш борасидаги халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилашнинг ҳуқуқий жиҳатларини ёритиш;

прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид фаолиятини янада такомиллаштиришга йўналтирилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуидагилардан иборат:

прокуратура органларининг инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятининг қонунчилик асосларини такомиллаштириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этиш, қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, жамият ва давлатнинг қонун билан кўрикланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳукуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда профилактика қилишнинг самарали ва ўз вақтида амалга оширилиши асослаб берилган;

инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш борасида прокуратура органларининг идоралараро ва халқаро ҳамкорлигини янги боқичга олиб чиқиш орқали бу борадаги фаолият самарадорлигига эришиш мумкинлиги таҳлил этилган;

инсон хуқуқларини ҳимоя этиш соҳасидаги фаолиятни кенг қамровда амалга ошириш ҳамда унинг сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш мақсадида прокуратура органларининг ташкилий фаолиятига ўзгартириш киритиш билан такомиллаштирилган.

**Тадқиқот услублари.** Тадқиқот ишини ёритища анализ, синтез, индукция, дедукция, тизимли, функционал каби умумий методлардан; социологик, қиёслаш, статистик, мантиқий каби хусусий методлардан ва қиёсий-хуқуқий методдан фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти прокуратура органларининг инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолият самарадорлигини оширишнинг назарий асосларини ривожлантиришда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда “Прокурор назорати”, “Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар” ва бошқа фанларни илмий-назарий жиҳатдан бойишига ҳамда илмий тушунча ва таърифлар беришга асос бўлади.

Диссертация иши натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, мазкур диссертацияда баён этилган асосий тушунчалар, чиқарилган хulosалар ҳамда ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялардан миллий қонунчилигимиз ва Бosh прокурорнинг соҳавий буйруқларини такомиллаштиришда, шунингдек, Бosh прокуратура Академияси ва олий таълим муассасалари учун

ўқув адабиётларини тайёрлаш ҳамда ўқув машғулотларини ташкил этишда фойдаланиш мумкин.

**Иш тузилмасининг тавсифи.** Диссертация иши кириш қисми, учта боб, олтита параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Ишнинг ҳажми 86 бетни ташкил этади.

# **І БОБ. ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ СОҲАСИДАГИ ФАОЛИЯТИНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ**

## **1.1. Прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолияти тушунчаси ва ривожланиш тенденцияси.**

Ўзбекистон Республикаси Прокуратура органлари фаолияти кенг ва кўп қиррали эканлиги ҳамда прокуратура ўз ваколатлари доирасида фақат ўзигагина хос бўлган усул ва воситалар билан фаолият юритиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш механизмида алоҳида ўрин тутади.

Ушбу мақсадда қўлланадиган прокурорлик таъсир воситалари — прокуратура органларининг фуқароларнинг конституциявий ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий имкониятларининг бир қисми, холос.

Мамлакатимизда ҳуқуқий — тартиботни таъминлаш борасидаги вазият барча давлат органлари, жумладан, прокуратура идораларининг ҳуқуқни ҳимоя қилиш салоҳиятидан самарали фойдаланиш зарурлигини кўрсатмоқда. Мазкур вазифа нафақат тактик, балки узоқ вақт талаб этувчи стратегик аҳамиятга ҳам эга. Бу вазифани муваффақиятли бажарилишига давлатнинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи айрим бўғинлари ва механизмларини сусайтириш ҳамда бошқаларини кучайтириш йўли билан эмас, балки уларни уйғун равишда такомиллаштириш орқали эришиш мумкин. Чунки уларнинг барчаси битта мақсад — жамият ва унинг фуқаролари манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадига сафарбар этилгандир.

Ҳозирги вақтда сўзни прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш салоҳиятини сусайтириш, чеклаш ҳақида эмас, балки, аксинча, ундан самарали тарзда фойдаланиш ҳақида юритиш лозим. Бунинг учун ҳуқуқий шарт-шароитлар мавжуд: “Прокуратура тўғрисида”ги Конуннинг III бўлим 2-бобида прокуратура ходимлари фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда

эркинликларини бузувчиларга қарши таъсир кўрсатишининг аниқ воситалари берилган.

Прокуратуранинг хуқуқни ҳимоя қилиш функциясини янада кучайтиришга “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 20-26-моддаларида берилган ваколатларни тўлиқ амалга тадбик этиш, прокурорлик текширувларининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, фуқароларни ҳимоя қилиш борасида кўриладиган чораларни юридик жиҳатдан асослантириш, хуқуқни ҳимоя қилиш мақсадида суд органларининг мавқеини янада ошириш йўллари орқали эришилади. Илк бор “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририда прокуратура органларининг хуқуқий ва идоравий хужжатлари устидан суд назорати ўрнатилди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқлари ва бошқа хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарори асосида бекор қилинади<sup>1</sup>.

Бундан ташқари, прокурорларнинг фуқаролар хуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилишга оид ваколатлари лозим даражада хуқуқий таъминланиши зарур. Фуқароларнинг хуқуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги прокурорнинг ўз ваколатларидан келиб чиқувчи қонуний талабларини бажармаганлик учун жиноий жавобгарликкача бўлган қатъий жавобгарликни жорий этиш мақсадга мувофиқ.

Прокурорларнинг ваколатига хуқуқий чораларни қўллашнинг жуда кўп воситалари киради. Улар маълум хусусиятларга эга бўлиб, хуқуқбузар олдига ғайриқонуний ҳаракатларни ихтиёрий равишда тўхтатиш шартини қўйиш, у чиқарган ғайриқонуний хужжатларни бекор қилиш, судларга умумий манфаатларни, бир қатор ҳолларда эса айрим фуқароларнинг манфаатини ҳам ҳимоя қилишни сўраб мурожаат этишдан тортиб, ашаддий хуқуқбузарларга нисбатан жиноий таъқибни қўзғатишгача бўлган кўринишлардан иборатdir.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.

Прокурорлар ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятида одил судловни амалга оширилишини таъминлаб, судга бевосита ёрдам кўрсатади ва давлат айбовини қувватлайди. Прокурорнинг ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш борасида тезкорлик билан чора кўриши имкониятига эга эканлиги низоларни ҳуқуқий тарзда ҳал қилиш учун фуқароларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини судларда кўрилиши шарт бўлмаган ҳолларда прокуратура органлари қўллайдиган воситаларидан кенг фойдаланиши мақсадга мувофиқ бўлади. Расмий маълумотларга қараганда, умумий назорат текширувлари мобайнида фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг кўплаб бузилиши ҳоллари бартараф этилади.

Шу билан бирга, прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциясини кенгайтириш масаласида ҳуқуқшуносларнинг фикри бир хил эмас. Бунинг устига, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг III бўлимига “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши устидан назорат” номли мустақил 2-бобнинг қўшилишини айрим ҳуқуқшунос олимлар прокуратура органларига хос бўлмаган соҳага, ҳатто айрим судларга оид масалаларга ҳам бевосита аралashiш, деб баҳолашлари ўринли бўлмайди. Зеро, ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятида прокуратура ва судлар ҳар хил усул ва йўллардан фойдаланадилар.

Прокуратура давлат ва фуқаро манфаатларининг узвийлигига асосланиб, бугун ҳам давлат манфаатларини (айниқса, иқтисодий ва ижтимоий соҳада) ҳимоя ҳилишга катта эътибор қаратиши зарур. Маълумки, прокуратура, авваламбор, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини муҳофаза қилиш билан бирга, айни пайтда жамият ва давлат манфаатларини ҳам ҳимоя қиласди. Аксинча, давлат ва жамият манфаатларини таъминламай туриб, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаб бўлмайди.

Прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш функциясининг мазмунини, унинг зиммасига юклатилган вазифаларнинг бирлиги ташкил қиласди. Бунинг устига прокурорлик назорати амалиётини ва тажрибасини прокурорлар амалга оширадиган давлат фаолиятининг бу икки тури узвий боғлиқ ва бир-бирини

келтириб чиқаришини доимий равища тасдиқламоқда. Масалан, прокурорларнинг солиқ органлари томонидан солиқса оид қонунчиллик талабларини тўлиқ бажарилишини текширилиши охир-оқибатда солиқлар тўпланишини яхшилашга, фуқароларнинг пенсия ва нафақалар олиш ҳуқуқининг тўлиқ амалга оширилишига, бюджетдан молияланадиган ташкилотлар ходимларига ўз вақтида маош берилишига ёрдам бериши аниқ ёки прокурорлар ташқи иқтисодий фаолиятга доир қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиб, миллий бойликнинг талон-тарож қилинишига тўсиқ қўядилар.

Прокурорларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти ҳокимиятнинг турли тармоқларига мансуб бўлган текширув органлари фаолияти жиҳатларига ўхшаб кетади, аммо бу фаолият кўпроқ суд ҳокимиятининг функциялари билан уйғунроқдир.

Прокуратура, худди суд каби, қонунларнинг устунлигини, қонунийликнинг бирлиги ва мустаҳкамланишини, шахс ва давлат манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадини кўзлади. У кўпгина масалаларни ҳал этишда худди суд каби фуқаролик-процессуал ва жиноят-процессуал ва бошқа қонун ҳужжатларида аниқ белгиланган доирада фаолият кўрсатади.

Прокуратура органлари тизимининг қатъий марказлашган принцип асосида тузилиши (куйи турувчи прокурорларнинг юқори турувчи прокурорларга ва Бosh прокурорга бевосита бўйсуниши) прокуратуранинг афзаллиги бўлиб, бу барча прокурорларнинг ягона йўналишда ҳаракат қилишига, қонунийликни мустаҳкамлаш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида юзага келган муаммоларни келишган ҳолда тезкорлик билан ҳал ҳилиш, назорат фаолиятида эса давлатнинг бошқа органлари ва мансабдор шахсларига боғлиқ бўлмаслик имконини беради. Шунинг учун ҳам прокуратура конун чиқарувчи, ижро этувчи ҳокимиятларга таъсир этиш ва ўзаро ҳамкорлик қилиш учун амалий воситаларга эга бўлган маҳсус давлат органи эканлиги шубҳасиздир.

Прокуратуранинг амалий фаолияти унинг тийиб туриш ва мувозанатлаш тизимининг элементларидан бири сифатидаги муҳим функцияни бажаришига, ҳокимият тармоқларини мувозанатлашига имкон беради.

Ҳорижий мамлакатларда прокуратуранинг ташкил этилиши ва фаолият кўрсатиш тарихини ўрганиш прокуратура органларига давлат институти сифатида судда айбловни ва жиной таъқибни кувватлаш функцияси юклатилганлиги билан бир вақтда кўпгина давлатларда (айниқса, роман-герман ҳуқуқий тизимиға кирувчи ва собиқ социалистик мамлакатларда) прокуратурага тарихан назорат функцияси ҳам берилганлигини кўрсатади<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда прокуратура ҳокимиятнинг қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилишини назорат қилувчи органи сифатида ташкил қилинган. Прокуратура қонунларнинг ижросини назорат қилиш билан бирга жиной таъқиб ва судда иштирок этиш билан ҳам шуғулланувчи давлат органи бўлиб шаклланган.

Ҳозирги пайтда прокуратуранинг давлат-ҳуқуқий институтлар тизимидағи ўрни унинг қонун устуворлигини, қонунийликнинг ягоналиги ва мустаҳкамланишини, инсон ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, шунингдек, жамият ва давлатнинг қонун билан муҳофаза этиладиган манфаатларининг ҳимояланишини таъминлайдиган орган сифатидаги функциялари билан аниқланади.

Прокурорлик назоратининг конституциявий табиати шундаки, бу орган фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлаш институтидир. У Ўзбекистондаги ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш даражаси, унинг маданияти ва анъаналари, тегишли “тийиб туриш ва мувозанатлаш” тизимидан келиб чиқиб, давлат ҳокимиятининг бошқа тармоқлари билан муносабатда алоҳида ўрин тутади.

---

<sup>2</sup> Ибрагимов З.С. Прокуратура органлари томонидан фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларига оид қонунларга риоя этилишини назорат килишнинг айрим хусусиятлари // Ўқув қўлланма. Т., 2002. -34 б.

Ҳокимиятлар тақсимланиши ғояси амалга ошаётган шароитда прокуратура давлат—ҳокимият ваколатлариға эга бўлиб, давлат унга қонунда белгиланган тартибда ўзининг қатор вазифалари ва функцияларини амалга ошириш ваколатини берган. Бу эса давлат ҳокимиятининг муҳим органи бўлган прокуратуранинг алоҳида хусусиятидир. Маълумки, давлат фаолиятининг тегишли шакллари орқали давлат ҳокимиятининг муайян тuri амалга оширилади. Давлат фаолияти шаклларининг сони билан ҳокимият турларининг сони ўртасидаги номувофиқлик прокурорлик назорати ва жиноий таъқибни прокурорлик фаолиятининг шакллари, деб тан олиш орқали бартараф этилиши мумкин. Прокурорлик фаолиятини эса давлат ҳокимиятининг тегишли тармоғи, деб белгиланган тартибда мустаҳкамлаб қўйиш лозим.

Прокурорлик назоратининг фуқароларнинг хукуқ ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш воситаси сифатида шаклланиши давлатда қонунийлик юзага келиши билан ушбу қонунийликни таъминлашдан иборат объектив эҳтиёж ҳамда бунга қаратилган назорат функциясидан иборат ўзаро узвий боғлиқ ҳодисалар пайдо бўлганлиги туфайли юз беради. Бир вақтнинг ўзида прокурорлик ҳокимияти ўзининг мустақиллигини мустаҳкамлаш зарурлиги прокуратура органларининг алоҳида, ҳеч бир бошқа давлат органлариға хос бўлмаган функцияларни бажаришидан келиб чиқади. Масалан, жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш фақатгина прокуратура органлариға мансубдир (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддаси).

Прокурорлик ҳокимияти халқ ҳокимиятчилиги ифодасининг муҳим томонларидан бири бўлиб, халқ ҳокимиятининг тўлалиги ва амалга оширилиши шакллари ҳамда усулларини таъминлайди, давлат учун ниҳоятда муҳим бўлган ижтимоий-хукукий муносабатларни ўз таъсир доирасига олади. Демак, прокурорлик фаолияти давлат ҳокимиятининг конституциявий турларидан биридир. Прокурорлик ҳокимиятини амалга ошириш шакллариға прокурорларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясига риоя этилиши

ва мамлакат худудида амал қилувчи қонунлар ижросини назорат қилиши, шунингдек, жиноий таъқиб киради.

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликлари кафолатланишининг ижтимоий — ҳуқуқий механизмида прокурорлик ҳокимияти муҳим ўрин тутади. Бундай кафолатлар тизимида ҳуқуқ ҳамда эркинликларнинг кафолатланиши ҳамда уларнинг амалга оширилишини фарқлаш лозим. Фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларининг кафолатланиши тизими умумий шароитлар ҳамда юридик ва бошқа маҳсус воситалардан иборат бўлиб, прокуратура бу воситаларни қўллаш орқали уларнинг ҳуқуққа мувофиқ ҳолда амалга ошишини, зарур ҳолларда эса муҳофаза қилинишини таъминлайди. Шунинг учун ҳам прокуратура барча элементларда эмас, балки айнан шу соҳада фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларни таъминлашнинг ижтимоий-юридик механизми иштирокчиси сифатида намоён бўлади.

Прокурорлик назорати воситаларининг табиати ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини амалга оширишдаги ўрни шундайки, улар конституциявий-ҳуқуқий мустаҳкамланишга муҳтож бўлади. Ҳуқуқ ҳамда эркинликлар фуқароларнинг конституциявий мақомининг элементи сифатида аниқ ҳуқуқий муносабатлар доирасидан ташқарида амалга ошиши мумкин. Бу, хусусан, прокуратуранинг фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги превентив фаолиятида намоён бўлади. Конституциявий назорат функцияларининг конституциявий-ҳуқукий муносабатлар даражасида фаоллашуви — фуқароларнинг конституциявий макоми ҳодисаси бўлиб, бунда давлатнинг ваколатли вакилларидан бири сифатида тегишли даражада (конституциявий-ҳуқуқий муносабатларда) прокуратура намоён бўлиши мумкин. Ниҳоят прокуратуранинг назорат фаолияти анча аниқ босқичда-фуқароларнинг тармоқ (маҳсус) мақомини таъминлаш босқичида тўлиқ амалга ошади.

Прокуратуранинг фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат бўлган ҳамда турли хил ҳуқуқни қўллаш актларини ўз ичига

олган ҳокимият фаолияти сифатида хуқуқни қўллаши хуқуқий нормаларнинг амалга оширилиши шакллари орасида алоҳида ўрин тутади.

Бунда прокуратура ваколатлари жиддий хусусиятларга эга бўлиб, бу уларнинг конституциявий даражада норматив-хуқуқий мустаҳкамланишини тақозо этади. Прокурорлик назорати хуқуқий хужжатларнинг қонунийлигини назорат қилишга тааллуқли фаолиятида конституциявий назорат белгиларига эгалиги ҳам ана шу ҳолат билан боғлиқ, чунки прокуратурага ўз назоратидаги субъектлар томонидан қабул қилинган ноконституциявий хуқуқий хужжатлар юзасидан протест келтириш ваколатлари берилган.

Прокуратуранинг фуқароларнинг тармоқ хуқуқий мақомини амалга ошириш босқичидаги функцияси шахсий, сиёсий ва ижтимоий-иктисодий ҳуқуқ ҳамда эркинликларга риоя этилишини назорат қилиш жараённида жуда кенг бўлиб, бу унинг хусусий манфаатларни ҳимоя килиши нуқтаи назаридан ўзини оқлайди. Прокурорлик назорати соҳасини бир қатор қонунларнинг ижросини назорат қилиш даражасигача (масалан, фақатгина жиноий таъқибни белгиловчи қонунлар доирасигача) торайтириш нотўғри бўлиб, бу прокуратуранинг ўрни ва вазифасини, унинг қонун устуворлигини, қонунийликнинг ягоналиги ва мустаҳкамланишини таъминлаш борасидаги фаолиятининг қонунда белгиланган мақсадларининг асл моҳиятини бузади.

Шу нуқтаи назардан, Бош прокурорнинг прокуратура фаолиятининг муайян йўналишларини тартибга солувчи буйруқлари прокурорлик назоратининг тегишли ижтимоий муносабатлар соҳасидаги конституциявий мақсадларини тўлиқ инобатга олган ҳолда ва улардан келиб чиқиб қабул қилинади.

Прокуратура органлари вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиб, ушбу жараёнда фаол эштирок этади.

“Прокуратура тўғрисида”ги (янги таҳрирдаги) Қонуннинг 25-моддасига мувофиқ назорат субъектлари қаторига фуқаролар киритилмаган. Бу эса прокуратуранинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолияти расмий ҳокимият идоралари, корхоналар, жамоат бирлашмалари раҳбарларининг ҳаракатлари ва қарорларини юридик баҳолашдан иборат асосий фаолият йўналиши бўлиб, унинг фуқаролар ўртасида юзага келадиган низолар ва баҳс-мунозараларни кўриб чиқиш билан шугулланмаслигини кўрсатади.

Масаланинг бундай қўйилиши, назаримизда, тўғри бўлиб, бир томондан, суд ва бошқа томондан, прокуратура органлари ўртасида мавжуд ваколатлар тақсимланишига асосланган.

Айни пайтда айрим фуқароларнинг ноқонуний ҳаракатлари соғлиги ва ёшига кўра давлатнинг қўллаб-қувватлашига муҳтож бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари бузилаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлган прокурор жабр кўрувчиларни судда ҳимоя қилиш ёки бунинг учун асос мавжуд бўлганда қонунни ашаддий бузувчиларга қарши жиноят иши қўзғатишгача бўлганда ташаббус билан чиқишига ҳақли эканлиги ҳеч қандай шубҳа уйғотмайди.

Шундай қилиб, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасида белгиланган ҳуқуқ ҳамда эркинликларга риоя этилишини прокурорлик назоратига олиш предмети вакиллик ва ижроия ҳокимиятининг мазкур тузилмалари, барча иш берувчилар (мулкчилик шаклидан қатъи назар), шунингдек, жамоат бирлашмалари, бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқароларнинг, ҳуқуқ ҳамда эркинликларига риоя этилишини қамраб олиши ҳақида хulosа қилиш мумкин. Фуқароларга тааллуқли ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилиш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида одамлар меҳнатидан фойдаланиш ва бошқа ижтимоий ҳуқуқларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган, шунингдек, фуқароларнинг ҳокимият органларини шакллантиришда ва давлат ишларини бошқаришда иштирок этишининг турли кўринишларида намоён бўладиган фаолият прокурор томонидан устувор тарзда назорат қилиниши керак бўлган соҳадир.

Мустақилликдан сўнг мамлакатимизда иқтисодий, ижтимоӣ, сиёсий ва бошқа соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари юқори даражада таъминланишига эришилмоқда. Айни вақтда, таъкидлаш лозимки, бундай ислоҳотлар давлатимиз сиёсатининг мазмун-моҳиятини акс эттиради.

Ҳар бир давдат ўз мамлакати худудида фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини таъминланганлиги мазкур давлатнинг мавқеи қай даражада эканлигини белгилайди. Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш масаласи ҳар бир давлатнинг, унинг давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг асосий вазифаси ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасида “Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулдирлар”, дейилган. Бугун мамлакатимизда кенг қўламли ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида фуқароларнинг Конституция ва қонунларда белгилаб кўйилган иқтисодий, ижтимоӣ, сиёсий хуқуқларини таъминлаш ғоят муҳим аҳамият касб этади. Шундан келиб чиқсан ҳолда бугунги кунда мамлакатимизда юз берадиган ижтимоӣ воқеликлар жараёнида фуқароларнинг ана шундай хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонуний манфаатларини таъминлашда прокуратура органларининг ролини алоҳида қайд этиб ўтиш лозим.

1992 йил 9 декабрда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, унга кўра прокуратура фаолиятининг 8 та асосий йўналишлари белгилаб берилди. Хусусан, инсон ва фуқароларнинг хуқуқларига риоя этилиши устидан назорат ҳам шулар жумласидандир.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги 360-сон “Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори қабул қилиниши муносабати билан 21 нафар аъзодан иборат таркибда ташкил қиинган комиссия аъзолигига давлат органлари, идоралари ва фуқаролик жамияти институтларининг масъул шахслари жалб қилиниб, ушбу соҳага масъул бўлган барча идоралар

фаолиятини мувофиқлаштиришни самарали ташкил этиш мақсадида, Баш прокурор мазкур комиссия раиси этиб белгиланди ва ёшларга оид давлат сиёсати мамлакатимизда устувор вазифалардан бири ҳисобланганлиги сабабли, ушбу соҳадаги фаолиятни мувофиқлаштириш функцияси Баш прокурорга юклатилди.

Бундан ташқари, 2001 29 августда Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни янги таҳрирда қабул қилинди ва прокуратура органлари фаолияти янада демократлаштирилди. Жумладан:

-фуқаролар прокуратуранинг назорат объектидан чиқарилиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини химоя қилиш борасида прокуратуранинг функцияси кенгайтирилди;

-хуқуқбузарликлар профилактикаси прокуратура органларининг асосий вазифаларидан бири этиб белгиланди;

-жиноятчиликка қарши кураш борасидаги идоралар фаолиятини мувофиқлаштиришга доир қоидалар белгиланди;

-Бош прокурорнинг буйруқлари ва бошқа ҳужжатлари (индивидуал ҳусусиятга эга бўлганларидан ташқари) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига зид бўлса, Конституциявий суднинг қарори билан бекор қилиниши қоидаси киритилди;

-Бош прокурорнинг Президент ва Олий Мажлисга мунтазам ҳисобдорлигига доир қоидалар мустаҳкамланди<sup>3</sup>.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги (2008 йил 14 апрелдаги) Қонуни қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги 911-сон “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ушбу қарор асосида Одам савдосига қарши курашиш бўйича Идоралараро комиссияси ташкил қилинди ва 17 нафар аъзодан иборат комиссия таркибига давлат

---

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.

органлари, идоралари ва фуқаролик жамияти институтларидан масъул мансабдор шахслар жалб қилинди. Одам савдосига қарши курашиш фаолиятида тегишли маъсул идоралар фаолиятини самарали мувофиқлаштириш мақсадида Республика комиссиясига раисик қилиш Бош прокурорга юклатилди.

Бундан ташқари, қонунчилик ижроси устидан назорат самарадорлигини янада ошириш, давлат органлари мансабдор шахсларининг идоравий меъёрий хужжат ижодкорлиги ва норматив-хуқуқий хужжатларни сўзсиз ижро этиш борасидаги масъулиятини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2014 йил 24 июлдаги ПФ-4636-сон “Қонунчилик ижросини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилиниб, Адлия вазирлиги таркибидаги “Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш” Бош бошқармаси ва унинг худудий бўлимлари тугатилиб унинг 88 штат бирлиги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига ўtkазилди.

Шунингдек, Бош прокуратурада Қонунчилик ижроси устидан назорат Бош бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокуратуралари ва уларга tengлаштирилган прокуратураларда Бош бошқарманинг худудий бўлимлари тузилди.

2015 йил 10 августдаги Ўзбекистон Республикаси “Айрим қонун хужжатлариiga ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилиниб, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 14-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорларини ижро этиш мақсадида ўтказилган текширишлар давомида давлат бошқарув органлари ва ходимларнинг қонунга зид бўлган хужжатлари аниқланган тақдирда, Бош прокурор бу хужжатларни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида Президентга таклиф киритиши, ушбу идораларнинг хужжатлари фуқароларнинг конституциявий хуқуқ ва эркинкларини жиддий равища камситаётган бўлса, Бош прокурор уни тўхтатиб туриш ёки бекор қилиш тўғрисида Президентга таклиф киритиши мумкинлиги белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-хуқук тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармонига кўра 2017 йилнинг 1 апрелидан жиноят процессида фуқароларнинг хуқук ва эркинликларини ҳимоя қилишнинг хуқуқий кафолатларини кучайтириш, жиноят ишларини тергов қилишнинг тезкорлигини ошириш доирасида:

жиноят содир этишда гумон қилинган шахсларни ушлаб туриш муддати 72 соатдан 48 соатга;

қамоқقا олиш ва уй қамоги тарзидағи эҳтиёт чораларини қўллашнинг, шунингдек жиноят ишлари бўйича дастлабки терговнинг энг кўп муддатлари 1 йилдан 7 ойга қисқартирилди.

Ушбу чораларнинг жорий этилиши, бир томондан, фуқароларнинг эркинлигини асоссиз чеклаш ҳолатларидан ҳимоя қилинишини, иккинчи томондан, суриштирув ва тергов органларининг масъулияти ва фаолияти самарадорлиги ошишини таъминлайди.

“Хабеас корпус” институти қўлланишини янада кенгайтириш доирасида прокурорларнинг почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва эксгумация қилиш каби тергов ҳаракатларини ўтказишга санкция бериш бўйича ваколатлари судларга ўтказилда.

Бу ўзгаришлар инсоннинг шахсий хуқук ва эркинликлари дахлизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда халқаро хуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормаларига тўла мос келади.

Бундан ташқари, судда иш юритиш тезкорлиги ва сифатини ошириш, иш бўйича якуний қарорлар қабул қилиш муддатларини асоссиз кечиктиришни бартараф этиш, судларнинг жиноят процессидаги ролини оширишга қаратилган янгилик сифатида суд томонидан жиноят ишини

қўшимча терговга қайтариш институтининг бекор қилинаётганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз<sup>4</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қарорига кўра Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси кўйидаги комиссиялар бўйича ягона мувофиқлаштирувчи орган этиб белгиланди:

Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси<sup>5</sup>.

Шунингдек, прокуратура органларининг қонунчилик ижросини таъминлаш борасидаги масъулиятини янада ошириш ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини сўзсиз амалга ошириш мақсадида 2017 йил 18 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5019-сон “Ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш мамлакатни модернизация қилиш, инсон хуқуқ ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Ушбу Фармонга кўра жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш ҳамда демократик, ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни рўёбга чиқаришга, инсон хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган қонунларнинг сўзсиз ижро этилиши устидан самарали назоратни амалга ошириш орқали “Халқ

<sup>4</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 43-сон, 497-модда.

<sup>5</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон

манфаатларига хизмат қилиш” прокуратура органларининг устувор вазифаси этиб белгиланди:

Бунда, биринчидан, худудларни комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш дастурларини сўзсиз бажаришни, амалга оширилаётган ислоҳотларга тўсиқ бўлувчи омиллар ва тизимли камчиликларни аниқлаш ҳамда бартараф этишни;

учинчидан, аҳоли билан тўғридан-тўғри очик мулоқот ўрнатишни, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ҳал қилишни, аҳолининг хуқуқий маданиятини оширишни, жамиятда қонун бузилишига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришни;

тўртинчидан, профилактика тадбирларининг, айниқса вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасидаги тадбирларнинг таъсирчанлигини, хуқуқбузарликлар содир этилишининг сабаб ва шарт-шароитларини ўз вақтида аниқлаш ҳамда бартараф этишни;

бешинчидан, кам таъминланган оиласаларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилишни, янги иш ўринлари яратиш дастурларини амалга оширишни, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни ўз вақтида тўлашни;

олтинчидан, малакали тиббий ёрдам кўрсатишни, аҳолига арzon дори воситалари етказишни, таълим жараёнининг сифати ва таълим муассасаларида ўқувчилар давоматини ҳамда уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишни;

еттинчидан, фуқароларга арzon уй-жой ажратишни, уй-жой сотиб олиш учун, биринчи навбатда, ёш оиласалар, етим болаларга кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятини яратишни, сифатли коммунал хизмат кўрсатиш ва ҳисоб-китобларни ўз вақтида амалга оширишни;

саккизинчидан, табиий ресурслар, ер майдонларидан мақсадли ва оқилона фойдаланишни таъминлашга асосий эътибор қаратилиши белгилаб берилган<sup>6</sup>.

---

<sup>6</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.09.2019 й., 06/19/5837/3812-сон.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 январдаги “2017 — 2021 йилларда ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5308-сон Фармонига кўра тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини текширишга икки йил муддатга мораторий эълон қилинди(жиноят иши доирасида ва юридик шахс тугатилиши муносабати билан ўтказиладиган текширишлар бундан мустасно).

2018 йил 1 апрелдан бошлаб:

жиноят ишлари доирасида ўтказиладиган молия-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш) бир ойдан ошмаслиги, алоҳида ҳолларда текшириш бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатга Ўзбекистон Республикаси Баш прокурори ёки унинг ўринбосарлари томонидан узайтирилиши мумкинлиги;

тадбиркорлик фаолиятини юритишдаги ҳукуқбузарликлар билан боғлиқ ҳолатлар бўйича жиноят ишларини қўзгатиш фақат Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг розилиги билан амалга оширилиши;

тадбиркорлик субъектлари фаолиятида ҳукуқбузарликлар ҳақидаги маълумотлар, ўтказилган текширишлар ва мониторинг (асос, текшириш ёки мониторинг ўтказиш вақти, уларни ўтказган ходимлар ва бошқалар) ва аниқланган ҳукуқбузарликларни бартараф этиш бўйича кўрилган чоралар тўғрисидаги ахборотлар мажбурий тартибда прокуратура органларининг маҳсус электрон ахборот тизимига киритилиши белгиланди<sup>7</sup>.

2018 йил 22 январдаги ПФ-5308-сон “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат

---

<sup>7</sup> Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 25.05.2018 й., 06/18/5447/1269-сон

дастури тўғрисида”ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 15 февралдаги ПФ-5343- сон “Прокуратура органларининг қабул қилинаётган норматив-хуқуқий ҳужжатлар ижросини таъминлашдаги фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тизимида соҳавий йўналишга эга 9 та бошқармалар ташкил қилинди. Хусусан, Соғлиқни саклаш, таълим ва бошқа ижтимоий соҳаларда қонунлар ижроси устидан назорат ҳамда Тадбиркорлик ва инвестицияларни хуқуқий ҳимоя қилиш бошқармалари шулар жумласидандир.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган. Прокуратура оғналари ҳам бошқа давлат органлари сирасида айнан ана шу талабларни бажарилиши учун маъсул бўлиб ҳисобланади ва шунга хизмат қилмоқда.

## **1.2. Прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини амалга оширишнинг қонунчилик асослари.**

Демократик давлатлар амалиётида инсон ҳуқуқларини кафолатлашнинг турли хил механизм ва усуллари ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур механизм ва усулларнинг самарасини қуидаги бир қатор омиллар асосида баҳолаш мумкин: инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ифода этилган қонун ҳужжатининг ҳуқуқий мақоми (Конституция, Конституциявий қонун, қонун ёки қонун ости акт) билан; шахс ҳуқуқларининг кафолатлари қайси қонун асосида белгиланганлиги (сиёсий, Конституциявий, ҳуқуқий ва ҳоказолар); шахс ҳуқуқларини кафолатлашни амалга ошириш механизми меъёрларини кафолатловчи орган мақомига биноан (Президент, Парламент, ҳукумат, маҳсус институтлар); инсон ҳуқуқларини кафолатловчи органлар умумий тизими ва механизмининг мавжудлиги ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари юқори ўринга қўйилган. Жумладан, Конституциянинг 13–моддасида “Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, кадр–қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади”, деб белгилаб қўйилган.

Бугунги кунда прокуратура органлари фаолиятининг баҳолаш мезонлари сифатида бир қатор кўрсаткичлар асос қилиб олинди, шу жумладан, мазкур худудда қонунийлик ҳолати, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлатнинг қонуний манфаатлари ҳимояси таъминланиши белгиланди.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 4–моддасига мувофиқ фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан ҳисобланади.

Прокуратура фаолиятининг асосий йўналишлари фуқароларнинг қонунларимизда мустаҳкамлаб қўйилган хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, кенг кўламда амалга оширилаётган иқтисодий, ижтимоий ислоҳотларни қонуний ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб қувватлаш, ҳар бир фуқаро, жисмоний ва юридик шахс ҳар қандай ҳолатда ўзининг қонун муҳофазасида эканлигини ҳис қилиш муҳитини юзага келтиришга қаратилди<sup>8</sup>.

“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 24-моддасига мувофиқ фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларига риоя қилиниши устидан назорат предметига вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхона ва муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқароларнинг хуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши киритилган.

Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси конституцияси ва қонунларида белгилаб берилган хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг жамият олдидаги энг муҳим вазифасидир. Бунда прокурорнинг вазифаси:

фуқароларнинг шахсий хуқуқ ва эркинликларини, уларнинг дахлсизлик, фикрлаш, сўз ва эътиқод ҳамда виждан эркинлиги хуқуқларини кафолатларини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сиёсий хуқуқларини, яъни жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ жамоат бирлашмаларига, сиёсий партияларга бирлашиш ва оммавий ҳаракатларда қатнашиш хуқуқларини амалга оширишда уларнинг эркинликларини ҳимоялаш;

---

<sup>8</sup> Нематов.Х. “Хуқукий ҳимоянинг мустаҳкам пойдевори”. Т.; / ”Қонун ҳимоясида”, 2003 йил, 1 (85)-сон.

шахснинг ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш хуқуқини ушбу идоралар томонидан таъминланишини назорат қилиш;

фуқароларнинг мулкка эга бўлиш хуқуқини, уларнинг мулкини дахлсизлигини муҳофаза қилиш;

шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли ҳамда хавфсиз меҳнат шароитларида ишлашга, ўз фаолиятлари учун ўз вақтида ҳақ олиш, меҳнат таътилига чиқиш ҳамда қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланишга доир хуқуқларини ҳимоялаш;

ҳар бир шахснинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий ҳимояланиш, пенсия таъминоти хуқуқларини аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ёлғизлар, ногиронлар, қариялар ва аҳолининг кам таъминланган қисмига алоҳида эътибор берган ҳолда муҳофазасини таъминлаш;

бозор муносабатлари ривожланаётган бир пайтда соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни ҳимоялаш, бепул малакали тиббий хизмат кўрсатишга оид хуқуқларни муҳофаза қилиш;

фуқароларнинг билим олиш хуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлиги, маданият ютуқларидан фойдаланиш хуқуқлари амалга оширилишига кўмак беришга йўналтирилиши лозим<sup>9</sup>.

Юқоридаги вазифаларни амалга оширишда прокурор “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 25–моддасига мувофиқ қуидаги ваколатлардан фойдаланади:

фуқаронинг хуқуқ ва эркинликлари бузилганлиги тўғрисидаги аризалар, шикоятлар ҳамда бошқа маълумотларни кўриб чиқади ва текширади;

---

<sup>9</sup> Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати // Дарслик. -Т: Ўзбекистон, 2008. 114-бет.

аризачиларга уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш тартибини тушунтиради;

фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари бузилишининг олдини олиш ва бартараф этиш, қонунни бузган шахсларни жавобгарликка тортиш ҳамда етказилган заарни қоплаш чора-тадбирларини кўради.

Прокуратура ўз зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда “Прокуратура тўғрисида”ги Конуннинг 22–моддасида назарда тутилган ваколатлардан фойдаланади.

Қонун бузилиши аниқланган тақдирда прокурор ушбу қонунда ҳамда бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган чораларни кўришга мажбур.

Жумладан далолатнома ва бошқа зарур ҳужжатлар, материаллар ва маълумотлар тақдим этишнинг текширишлар ва тафтишлар ўтказишни, мутаҳассислар ажратишни рад этишда, прокуратурага келишдан, қонун бузганлик тўғрисида тушунтириш беришдан бўйин товлашда ифодаланган прокурорнинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ва унинг талабларини бажармаслик, худди шунингдек прокурор фикри билдирилган ҳужжатларни кўриб чиқмаслик ёки уларни тўлиқ ҳажмда бажармаслик, шунингдек прокурорнинг ғайриқонуний қарор қабул қилишига эришиш мақсадида унга қандай шаклда бўлмасин бирон бир таъсир кўрсатганлик учун қонунда маъмурий жавобгарлик белгиланган<sup>10</sup>.

Прокурорнинг судга даъво қилиш ваколати “Прокуратура тўғрисида”ги Конуннинг 26–моддасида мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра фуқароларнинг суд тартибида ҳимоя қилинадиган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилса, лекин фуқаро соғлиғига, ёши ва бошқа сабабларга кўра судда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини шахсан ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлмаса, даъвони прокурор тақдим этади ва судда қувватлайди<sup>11</sup>.

---

<sup>10</sup> Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон.

<sup>11</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодекси прокуратура органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган фаолиятининг қонунчилик асосларидан бири бўлиб, Кодекснинг 18-моддаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга бағишиланган. Мазкур модданинг мазмуни Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига асосланган бўлиб, унга кўра давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар.

Жиноят-процессуал қонунга биноан, жиноят ишини юритиш учун масъулиятли барча давлат органлари ва мансабдор шахслар жиноят процессида қатнашаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишлари шарт.

Қонун жиноят ишини юритиш учун маъсул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар рўйхатини белгилаган бўлиб, ушбу органлар ўзларига қонун билан юклатилган функциялардан ташқари, жиноят процессида инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши учун масъулдирлар.

Шунингдек, жиноят-процессуал қонунга биноан, жиноят ишини юритиш учун масъул бўлган давлат органлари ва мансабдор шахслар инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида қуйидаги мажбуриятларни амалга оширадилар:

-қонуний асосларсиз мажбуров чоралари қўлланган шахсларнинг бузилган ҳуқуқларини дарҳол тиклаш;

-жиноят процесси иштирокчиларининг ўз қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишлари учун зарур бўлган шароит яратиш, уларга ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириб бериш, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун зарур ҳимоячи ва таржимон билан таъминлаш;

-жиноят процесси иштирокчиларининг мурожаатларини ўз вақтида кўриб чиқиб, қонуний ҳал қилиш.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш принципининг таркибий қисмларидан бири шундан иборатки, фуқаролар

бузилган ҳуқук ва эркинликларини тиклашда ўзларига етказилган заарни давлат органлари ва мансабдор шахсларидан ундириб олишлари мумкин.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят–процессуал кодекси шахснинг қонунга хилоф равища ушлаб турилганлиги, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф равища қамоқда сақланганлиги ёки уй қамогига жойлаштирилганлиги, паспортининг амал қилиши қонунга хилоф равища тўхтатиб турилганлиги, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли вазифасидан қонунга хилоф равища четлаштирилганлиги ёхуд тиббий муассасага қонунга хилоф равища жойлаштирилганлиги натижасида унга етказилган мулкий заарни ундириш ҳамда маънавий зиён оқибатлари бартараф этилишини кўзда тутади (ЖПК 302-313–моддалар).

Суд томонидан оқлов ҳукми чиқарилганда, жиноят иш юритуви жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ёки жиноят таркиби бўлмаганлиги ёки шахснинг содир қилинган жиноятга дахли бўлмаганлиги асосида тугатилган ҳоллар шахсни реабилитация этишга асос бўлади.

Шунингдек, реабилитация этилишнинг мулкий ва бошқа оқибатлари назарда тутилган бўлиб, унга кўра қонунга хилоф равища ушлаб турилган, эҳтиёт чораси сифатида қонунга хилоф равища қамоқда сақланган ёки уй қамогига жойлаштирилган, паспортининг амал қилиши қонунга хилоф равища тўхтатиб турилган, ишда айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилингани туфайли вазифасидан қонунга хилоф равища четлаштирилган ёхуд тиббий муассасага қонунга хилоф равища жойлаштирилган ҳар бир шахснинг бузилган конституциявий ҳуқук ва қонуний манфаатлари тикланиши шарт. Давлат ва мансабдор шахслар бунга масъулдирлар. Шунинг учун ҳам реабилитация қилинган шахс ўзига етказилган мулкий заарни қопланишини, шунингдек, маънавий зиён оқибатларини бартараф этилишини талаб қилишга ҳақли<sup>12</sup>.

---

<sup>12</sup> Конун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 19, 25, 26, 27-моддаларида Ўзбекистон Республикаси фуқароси Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган хуқуқ ва эркинликлари дахлсиз эканлиги, улардан суд қарорисиз ҳеч ким маҳрум қилишга ёки чеклаб қўйишга ҳақли эмаслиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда хибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши мумкин эмаслиги, жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахс фақат суд томонидан айбдор деб топилиши, унга ўзини ҳимоя қилиш ёки ҳимоя хуқуқидан фойдаланиши имкониятлари яратилиши, қийноққа солиш, зўравонлик қилиш, шафқатсиз ёки инсон қадр-қимматини камситувчи бошқа тазийққа дучор қилиш, ҳаётига аралашиш, шаъни ва обрўсига тажовуз қилиш, ҳаётига аралашиш, туарар жойига дахл қилиш қатъиян ман қилиниши белгиланган. Мазкур қоидалар халқаро ҳужжатлардан “Инсон хуқуқлари умумжахон декларацияси”нинг 5,7,8,9,10,11 ва 12 моддаларида “Фуқаролик ва сиёсий хуқуқлар тўғрисидаги халқаро Пакт”нинг 9 ва 10 моддаларида қайд этилган.

Бундан ташқари, реабилитация этилган шахснинг бошқа хуқуқларини тиклаш қонунчиликда назарда тутилан бўлиб, унга кўра қонунга хилоф равища хукм қилингани, қонунга хилоф равища тиббий муассасага жойлаштирилгани, эҳтиёт чораси тариқасида қонунга хилоф равища қамоққа олингани ёки уй қамоғига жойлаштирилгани, қонунга хилоф равища ушлаб турилгани туфайли ишдан озод қилинган ёки ишда айбланувчи, судланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилиниши муносабати билан лавозимидан қонунга хилоф равища четлаштирилган шахс олдин ишлаган ишига тикланиши лозим, корхона, муассаса, ташкилот тутатилган ёки қонунда назарда тутилган бошқа асослар уни олдинги ишлаб турган ишига тиклаш имкониятини бермаган тақдирда унга аввалгисига teng бошқа иш берилиши лозим (ЖПК 310-модда).

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2016 йил 22 февралдаги “Жиноятчиликка қарши кураш, суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирув фаолиятида қонун устуворлигини ҳамда шахснинг хуқуқ

ва эркинликлари ҳимоясини самарали таъминлаш тўғрисида”ги 129-сонли буйруғида Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларининг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги асосий вазифалари сифатида суриштирув, дастлабки тергов ва тезкор-қидирувни амалга оширувчи органларнинг бу борадаги фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш, терговга қадар текширув ва дастлабки терговни олиб бориш орқали қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг хуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоялаш, хукуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат эканлиги таъкидланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2018 йил 9 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўлими тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 192-сонли буйруғига кўра Бош прокуратура таркибий тармоқларининг фуқаролар хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини амалга ошириш бўйича ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш; фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликлари соҳасида умумэътироф этилган ҳалқаро хуқуқ нормалари, шунингдек, миллий қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш чораларини кўриш Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўлимининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Шунингдек, Бош прокуратуранинг тегишли таркибий тармоқларидан:

-фуқароларнинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамлаб қўйилган шахсий ва сиёсий ҳукуқлари, дахлизизлик, фикрлаш ҳамда виждон эркинлиги кафолатларини ҳимоя қилиш, диний эътиқод ҳуқуқини таъминлайди;

-қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, гайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш ҳамда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатнинг олдини олиш соҳаларига доир

умумлаштирилган маълумотларни олиш ҳамда инсон хуқуqlари соҳасидаги халқаро конвенциялар ва шартномаларга риоя этилишини таҳлил қиласди.

Бундан ташқари, фуқароларни қабул қиласди, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қўриб чиқади.

Хулоса қилиб айтганда, амалдаги қонун хужжатларини такомиллаштиришга қаратилган барча ҳаракатлар инсонпарварлик тамойилларига асосланган демократик хуқуқий давлат барпо этиш, мамлакатимизнинг жаҳондаги обрўйини оширишга йўналтирилган бўлиб, фуқароларнинг Конституцияда кафолатланган хуқуқларининг сўзсиз таъминланишига олиб келади.

## **II БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШНИНГ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

### **2.1. Прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини амалга оширишнинг халқаро-ҳуқуқий жихатлари.**

Инсон ҳуқуқлари халқаро нормалар ва миллий қонунчилик ҳужжатлари билан ҳимояланган бўлиб, бу юридик ҳимоя ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг барча жабҳалари, хусусан прокуратура органларига ҳам тааллуқlidir. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларга риоя қилиш — прокуратура органлари ишининг муҳим қисми, дейиш мумкин, чунки улар ўз вазифаларини бажараётганда инсон ҳуқуқларини нафақат ҳурмат қилиши, балки уларни фаол ҳимоя қилишлари ҳам зарур.

Бундан ташқари, демократик-ҳуқуқий давлатларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг самарали иши, уларнинг инсон ҳуқуқларига қай даражада ҳурмат қилиши ҳамда уларга риоя этишига боғлиқ. Яъни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролар ўртасидаги муносабат, инсон ҳуқуқларининг ҳокимият томонидан муҳофаза қилиниш даражаси демократик жамият кўрсаткичи ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқларига риоя қилиш ва уларни ҳимоя қилиш муаммоси — бу прокуратура органлари фаолияти самарадорлиги муаммосидир, чунки прокуратура органларининг асосий вазифалари қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузумини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва профилактика қилишдан иборат. Ушбу вазифалардан биронтасини ҳам фуқаролар билан ҳамкорликсиз ҳал қилиб бўлмайди.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқлари тизимли тарзда бузилиб келаётган давлатда фуқароларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан

ишончи йўқолишини ва шу сабабли ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти самарадорлиги пасайишини кузатиш мумкин.

Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларацияси, инсон ҳукуқлари тўғрисидаги пактлар ва бошқа халқаро ҳужжатларда инсон ҳукуқлари тамойиллар, асосий меъёрлар сифатида баён этилган. Агар уларнинг ичидан ҳукуқни муҳофаза қилувчи органларга тааллуқли бўлган меъёрларни ажратиб оладиган бўлсак, улар асосан таъкиқ ва чеклашлар эканлигини кўрамиз (шахс эркинлиги ва хавфсизлиги,adolatli судлов тамоилини бузмаган ҳолда тергов олиб бориш). Аммо шундай ҳужжатлар ҳам мавжудки, уларда бу умумий тамойил ва қоидалар, ҳукуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини турли жабҳаларига оид батафсил қўлланма ва қоидалар сифатида берилган<sup>13</sup>.

Қайд этиш лоимки, бутун дунёда тан олинган ва умумий бўлган ҳукуқ ва эркинликлар рўйхатини ўзида мужассамлаштирган биринчи халқаро характердаги ҳужжат инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясидир.

Инсон ҳукуқлари умумжаҳон декларациясидаги ҳукуқлар халқаро ҳамжамиятнинг инсон ҳукуқлари соҳасида муҳим халқаро битимларни қабул қилишда мустаҳкам халқаро — ҳуқуқий таянч муомала кодекси бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадқиқотлардан бирида таъкидлаб ўтилганидек, “1948 йилдан сўнг қабул қилинган 90 дан ортиқ миллий конституциялар ўзида декларация қоидаларини акс эттиради ва (ёки) унинг таъсири остида мазкур қоидалар киритилган”<sup>14</sup>.

Инсон ҳукуқлари Умумжаҳон Декларациясида суд ва ҳукуқни муҳофаза этувчи органлар қатори прокуратура органларининг инсон ҳукуқларини таъминлаш фаолиятига оид айбиззлик презумпцияси ҳамда қонуннинг орқага қайтиш қучининг йўқлиги назарда тутилган (11-модда).  
Унга кўра:

<sup>13</sup> Инсон ҳукуқлари умумий назарияси: ИИВ тизимидағи таълим муассасалари тингловчи ва курсантлари, шунингдек ҳукуқни муҳофаза этувчи органлар ходимлари учун дарслик. — Т., 2012. — 63 б.

<sup>14</sup> Jayawic Kagata N. Hong Kong and the international protection of human Rights/Human Rights in Hong Kong, 1992. P. 160.

Жиноят содир этганликда айбланган ҳар бир инсон ҳимоя учун барча имкониятлар таъминланган ҳолда, очиқ суд мажлиси йўли билан унинг айби қонуний тартибда аниқланмагунча айбизиз деб ҳисобланишга ҳақлидир.

Ҳеч ким, содир этилган вақтда миллий қонунлар ёки халқаро ҳуқуқларга қўра жиноят деб топилмаган хатти-ҳаракати ёки фаолиятсизлиги учун жазога ҳукм қилиниши мумкин эмас.

Шунингдек, жиноят содир этилган вақтда қўлланиши мумкин бўлган жазога нисбатан оғирроқ жазо берилиши мумкин эмас.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа келишувларнинг қабул қилинишига кенг йўл очиб берди. Ушбу келишувлар ичida марказий ўринни инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро пактлар эгаллайди. Уларнинг қабул қилиниши натижасида инсон ҳуқуқлари соҳасида принцип ва қоидаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш борасида янада сифатли босқичга кўтарилиди. Инсоният тарихида биринчи марта деярли бир пайтда Пактларни имзолаган барча давлатлар учун мажбурий бўлган инсон фуқаролик-сиёсий, ижтимоий-иктисодий ва маданий ҳуқуқларининг улкан доирасини тартибга солувчи иккита халқаро ҳужжат қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, инсон ҳуқуқларининг турли жабҳаларига тааллуқли бўлган, умумий характердаги икки муҳим халқаро шартнома — бу “Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги ҳамда “Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактлардир.

Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг З-қисмида ҳуқуқларнинг рўйхати келтирилган бўлиб, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш фаолиятига бевосита боғлиқ бўлганлари қуйидагилардан иборат:

-эркинлик ва ихтиёрий ҳибсга олиш ва қамоқда сақлашдан холи бўлиш ҳуқуқи шаклидаги шахсий дахлсизлик ва habeas corpusга бўлган ҳуқуқ (9-11-моддалар);

-тегишли жараён, адолатли ва холисона суд юритилиши, айбизилек презумпцияси ва шахс ҳуқук субъекти эканлигини тан олиш ҳуқуки шаклидаги қонун бўйича тартиб-таомилли адолат (14, 15 ва 16-моддалар)<sup>15</sup>.

Таҳлилларга кўра, прокуратура органларининг юқорида қайд этилган фаолияига оид Пактда ўз ифодасини топган бандлар қуидагилардан иборат:

14(1). Барча шахслар судлар ва трибуналлар олдида тенгдир. Ҳар бир киши унга қўйилаётган ҳар қандай жиноий айлов кўриб чиқилаётганда ёки бирор бир фуқаролик жараёнида унинг ҳуқуқ ва бурчлари аниқлананаётганида қонунга мувофиқ тузилган нуфузли, мустақил ва холис суд томонидан мазкур иш адолатли ҳамда очиқ ҳолда кўриб чиқилиши ҳуқуқига эга.

Адолатли судлов ҳуқуқи “барча томнларга нисбатан адолат” концепциясига асосланади ва баҳслашув, томонлар тенглиги, иш қисқа муддатларда кўриб чиқилиши ва жиноий ишлар бўйича прокурорнинг холислиги принциплари ҳурмат қилинишини ўз ичига олади<sup>16</sup>.

Шуниндек, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг 14(2-7) ва 15-моддаларида 14(1)-моддасида акс эттирилган жиноий суд юритиш ва “адолатли судлов” умумий тамойилига нисбатан маҳсус меъёрлар киритилган, аммо ушбу ҳуқуқлар минимал кафолатларни ифодалайди ва уларга риоя этилиши суд адолатли бўлишини таъминлаш учун доим ҳам етарли бўлавермайди. Ушбу ҳуқуқлар қуидагилардан иборат:

1. Шахснинг айбдорлиги қонуний асосда исботланмагунга кадар убегуноҳ ҳисобланиши ҳуқуқи.
2. Ҳеч кайси шахс қатъий хукм қилинган ёки оқланган жиноят учун иккинчи марта судланиши ёки жазоланиши мумкин эмаслиги ҳуқуқи.
3. Ҳар бир шахс унга қўйилаётган жиноий айловнииг хусусиятлари ва асослари тўғрисида шошилинч равишда ва у тушунадиган тилда батафсил хабардор этилишига бўлган ҳуқук.

---

<sup>15</sup> ps://lex.uz/docs/2638212.

<sup>16</sup> Фей Колумбияга қарши. Инсон ҳуқуқлари бўйича кўмита, 514/1992-сонли хабар, КПЧ 1995 й. Ҳисобот, Хлова.

4. Ўз химоясини тайёрлаш учун етарли вақт ва имкониятларга эга бўлиш хукуқи.

5. Шахснинг ўзи танланган ҳимоячиси билан алокада бўлиши хукуқи.

6. Асосиз ушланиб қолишларсиз суд қилинишга бўлган хукук.

7. Ўз иштирокида суд қилинишга бўлган хукук.

8. Шахсан ёки ўзи танлаган ҳимоячи орқали ўзини ҳимоя килиш; агар у ҳимоячига эга бўлмаса, бундай хукуқ гўғрисида хабардор этилиш хукуқи.

9. Одил судлов манфаатлари буни тақозо этган ҳар қандай ҳолатларда, шахсда ҳимоячининг хизмат ҳакини тўлаш учун етарли маблағлари мавжуд бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда унга беғараз тайинланган ҳимоячига эга бўлиш хукуқи.

10. Унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳларни сўроқ қилиш ҳукуқи ёки ана шу гувоҳлар сўроқдан ўтказилишига бўлган хукуқи.

11. Унинг гувоҳлари хам унга қарши кўрсатма бераётган гувоҳлар учун мавжуд бўлган шартлар асосида чақирилиши ва сўроқ қилинишига бўлган хукуқи.

12. Агар шахс судда қўлланилаётган тилни тушунмаса ёки бу тилга сўзлаша олмаса, таржимон ёрдамидан фойдаланиш хукуқи.

13. Ўзига қарши кўрсатма беришга ёки ўзини айбдор деб тан олишга мажбур этилмаслик хукуқи.

14. Вояга етмаганларнинг ёшини ва қайта тарбияланишдан ўтиш истагида эканлигини эътиборга оладиган жараёнга бўлган хукуқи.

15. Жиноят содир этилган вақтда амалда бўлган давлатнинг ички қонунчилиги ёки ҳалқаро ҳукуқ меъёрларига мувофиқ инсон ҳаёти ва мол-мулкига нисбатан қилинган жиноят сифатида ҳисобланмайдиган бирон ҳаракат ёки хато қилганлиги оқибатида бирон жиноят содир этганлиги юзасидан ҳеч ким айбдор деб эътироф этилмаслигига бўлган хукуқи.

16. Суд карори омма олдида чиқарилишига бўлган хукуқи.

17. Бирон жиноят учун ҳукм этилган ҳар бир шахс унинг ҳукми ёки суд қарори қонунга мувофиқ равишда юқори турган суд идораси томонидан қайта кўриб чиқилишига бўлган ҳуқуқига эга.

Бундан ташқари, халқаро пактнинг 6(5), 7, 14(7) ва 15-моддалари ҳукм этилган шахсларнинг ҳукм чиқаришнинг ҳар қандай босқичида қўлланилиши мумкин бўлган қуйидаги ҳуқуқларини тан олади:

1. Жиноят содир этилган вақтда қўлланилиши лозим бўлган жазога нисбатан янада оғир жазо тайинланиши мумкин эмаслигига бўлган ҳуқуқ.

2. Ҳеч ким қатъий ҳукм этилган ёки оқланган жинояти учун такроран жазоланиши мумкин эмаслигига бўлган ҳуқуқ.

3. Ҳеч ким қийноққа солинши, шафқатсиз ёки унинг қадр-қимматини поймол қиласидан жазога тортилиши мумкин эмаслигига бўлган ҳуқуқ.

4. Ўлим жазосини ҳали бекор қилмаган мамалакатларда 18 ёшгача бўлган ҳеч қандай шахс қатл этилмаслигига бўлган ҳуқуқ ҳамда жиноят содир этилган вақтда амалда бўлаган қонунга мувофиқ ўлим жазосига фақат энг оғир жиноятлар учун ҳукм этилиши.

Таъкидлаш жизки, давлат ушбу халқаро пактни ратификация қилганда ёки унга кўшилганда, у учта ички мажбуриятни ўзига юклайди. Мазкур мажбуриятларни амалга оширишга бошқа давлат органлари ва идоралари қатори прокуратура оранлари ҳам масъул.

Биринчиси - унинг худуди доирасида ва унинг юрисдикциясида бўлган барча шахсларни хурмат қилиш ва уларнинг ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ва бошқа эътиқодлари, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мулкий аҳволи, туғилиши ёки бошқа ҳолатлардан қатъи назар, мазкур Пактда эътироф этилаётган ҳуқуқларини таъминлаб бериш.

Иккинчиси - ўзининг конституциявий таомиллари ва ушбу Пакт қоидаларига мувофиқ, мазкур ҳуқуқ ва эркинликларни амалга ошириш учун зарур бўлиб қолиши мумкин бўлган тегишли қонунчилик ёки бошқа чораларни кўриш учун керакли чора-тадбирларни кўриш.

Учинчиси - хуқук ва эркинликлари бузилган ҳар қандай шахсни самарали хуқукий ҳимоя воситаси билан таъминлаш, ҳатто бундай ҳаракат расмий равишда фаолият юритаётган шахслар томонидан содир этилган тақдирда ҳам; хуқукий ҳимояни талаб этадиган ҳар қандай шахс учун бундай хуқуқ ваколатли суд, маъмурий ёки қонунчилик ҳокимияти ёхуд давлатнинг хуқуқ тизимида кўзда тутилган ҳар қандай бошқа ваколатли орган томонидан белгиланишини таъминлаш ва улар тақдим этилганда ваколатли ҳокимият томонидан хуқукий ҳимоя воситалари қўлланишини таъминлаш<sup>17</sup>.

Иккита асосий халқаро пактдан ташқари пактлардаги ғоянинг мантиқий давоми сифатида таъкидлаш мумкин бўлган бошқа универсал давлатлараро хужжатлар мавжуд бўлиб, уларда инсон хуқуқлари ва эркинликлари нисбатан аниқроқ кўриб чиқилади. Бу хужжатларда аёлларга нисбатан камситишини йўқотиш, бола хуқуқларини ҳимоя қилиш, қийноқлар ва ирқий камситишини тақиқлаш масалалари бўйича хуқуқни муҳофаза этувчи органлар мажбуриятларини кўриб ўтиш мумкин.

Хусусан, қийноқ ҳамда муомала ва жазолашнинг қаттиқ шафқатсиз, инсонийликка зид ёки қадр-қимматни камситувчи турларига қарши Конвенциянинг (1984) 2-моддасида қийноқнинг олдини олиш назарда тутилган бўлиб, ҳеч қандай фавқулодда ҳолатлар, улар қандай бўлмасин: хоҳ уруш ҳолатими ёки уруш хавфими, ички сиёсий беқарорликми ёки бошқа исталган фавқулодда ҳолатми эканлигидан қатъий назар, шунингдек юқори турган бошлиқ ёки давлат ҳокимиятининг буйруғи қийноқни оқлашга хизмат қилолмаслиги назарда тутилган<sup>18</sup>.

Бундан ташқари, мазкур Конвенция қўйидагиларни ўз ичига олади:  
-қийноқ ҳаракатлари иштирокчи давлатнинг жиноят қонунчилигига мувофиқ равишида кўриб чиқилишини таъминлаши (4-модда);

---

<sup>17</sup> Прокурорларнинг профессионал масъулияти, асосий мажбуриятлари ва хуқуқлари соҳасида халқаро ва миллий стандартлар (ўкув қўлланма). Т.: “Fan va texnologiya”, 2011, 13-бет.

<sup>18</sup> ps://lex.uz/docs/2655282.

-қийноқ ҳаракатлари амалга оширилган жиноятларни кўришнинг ҳамма босқичларида адолатли муомала қилиш (7-модда, 3-банд);

-қийноқ қўлланилганлигига етарлича асос бўлганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари тез ва холис текширув ўтказишларини таъминлаш (12-модда);

Шуниндек, бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция (1989) уни ратификация қилган давлатларни қўйидагиларни амала оширишга чорлайди:

-боланинг манфаатлари яхшироқ таъминланишига биринчи даражали эътибор бериш (3-модда);

-бола ўз ота-онасидан уларнинг хоҳишлирига зид равища айрилиб қолмаслигини таъминлайдилар, ваколатли органлар суд қарорига биноан қўлланган қонун ва тартиб-русумга мувофиқ бундай айрилиш боланинг энг яхши манфаатлари йўлида зарур деб топган ҳолатлар бундан мустаснодир (9-модда);

-болани ҳимоялашнин жамики зарур қонуний, маъмурий, ижтимоий ва маърифий чора-тадбирларни кўрадилар (19-модда)<sup>19</sup>.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган ҳуқуқни муҳофаза этувчи органлар, хусусан прокуратура органларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш фаолиятига халқаро ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилувчи қўйидаги хужжатларни келтириб ўтиш мумкин:

-Болалар меҳнатининг оғир шаклларини тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чора-тадбирлар тўғрисидаги конвенция (17.06.1999);

-Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги конвенция (22.01.1993);

-Хотин-қизларни камситишнинг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги конвенция (18.12.1979);

---

<sup>19</sup> ps://lex.uz/docs/2595909.

-Мажбурий меҳнатни тугатиш түғрисидаги конвенция (25.06.1957) ва бошқалар.

Бундан ташқари, тавсиявий характерга эга бўлган, бевосита прокуратура органлари фаолиятига тегишли бўлган қўйидаги халқаро ҳуқуқий ҳужжатларни келтириб ўтиш мумкин:

-Прокуратура ходииларининг касбий маъулияти стандартлари ва асосий мажбуриятлари ва ҳуқуқларининг Декларацияси;

-БМТ Бош Ассамблеясининг “Прокуратура органларининг поклиги ва виждонлилигини ошириш ва салоҳиятини ривожлантириш орқали қонунийликни мустаҳкамлаш” резолюцияси;

-Суд таъқибини амалга оширувчи шахслар фаолиятига тааллуқли тамойиллар;

-Ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахсларнинг ўзининг ҳулқ атвorum кодекси;

-Ҳуқуқни таъминловчи мансабдор шахслар томонидан куч ва ўқ отиш куролини қўллаш бўйича БМТ асосий тамойиллари.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хусусан прокуратура органлари ходимларининг инсон ҳуқуqlари ва эркинликлари кафолатлаш бўйича ўзларининг ҳар томонлама ваколатлари ва мажбуриятларини нафақат миллий қонунчилик, балки халқаро ҳуқуқ ҳужжатларга риоя этган ҳолда лозим даражада амалга ошириши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш самарадорлигига хизмат қилади. Айни, мазкур ҳолатда аҳолининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга нисбатан муносабати шаклланади ва ишончи ортади.

## **2.2. Прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш борасидаги идоралараро ва халқаро ҳамкорлигининг ривожлантириши истиқболлари**

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш миллий ва халқаро миқёсдаги ҳамкорликни ва уни таъминлашда биргаликда ҳаракат қилиш лозимлигини тақозо қилмоқда. Мазкур ҳамкорликни амалга оширишда нафақат инсон ҳуқуқларини таъминлашда идоралараро ва халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишларини келишиш, балки ушбу фаолиятнинг стратегиясини ҳам белгилаб олиш лозим. Бунда унинг турли даражаларда, яъни жаҳон миқёсида, минтақавий ҳамда миллий миқёсда ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда идоралараро ва халқаро ҳамкорлик амалдаги миллий қонунчилик ва халқаро ҳуқуқ нормалари асосида келишилган ҳаракатларни, маҳаллий, шунингдек, дунё ҳамжамияти ёки бир неча давлатларнинг манфаатларига дахлдор ва иштирок этаётган давлатларнинг ўзаро ёрдамида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг инсон ҳуқуқлари бузилиши олдини олиш, уни тиклаш, унинг содир этилишини тўхтатиш ҳамда уларни ҳимоя қилишнинг бошқа шаклларини ўз ичига олади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси прокуратура органларининг ҳуқуқий мақомини ягона, марказлаштирилган ва мустақил давлат органининг алоҳида тизими сифатида таърифлайди. Прокуратуранинг бундай ҳолати унга энг муҳим йўналиши ҳисобланган фуқароларнинг ҳуқук ва конуний эркинликларини мустақил ва самарали муҳофаза қилиш имкониятини таъминлайди. Умуман олганда, бугунги миллий прокуратура модели ҳокимиятлар бўлиниши ва биргаликда фаолият кўрсатиши, бир-бирини тийиб туриш ва мувозанатда сақлаш функциясини амалда тадбиқ этиш, жамиятда хавфсизликни таъминлаш воситасидир.

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат

ташкилотлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, мансабдор шахслар, шунингдек, фуқаролар давлат органларининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича фаолиятни амалга оширишга қўмаклашади ҳамда зарур ёрдам кўрсатади.

Инсон ҳуқуқлари ҳимояси самарали бўлишини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари ходимлари:

-миллий ва халқаро даражада суд ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя этувчи ташкилот ҳамда бошқа давлат ва нодавлат органлар билан ҳамкорлик қиласидилар;

-қонунга мувофиқ ва ўзаро ҳамкорлик қилиш руҳида прокуратура органларига ва бошқа ҳуқуқ тизимларида ишловчи ўз ҳамкасларига ёрдам кўрсатадилар.

Қайд этиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси қўйидаги комиссиялар бўйича ягона мувофиқлаштирувчи орган ҳисобланади:

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссияси;

Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика идоралараро комиссияси<sup>20</sup>.

Хусусан, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралараро комиссиясининг асосий вазифалари қўйидагилардан иборат:

қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, юридик шахслар, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳуқуқбузарликлардан ҳимоя қилишни таъминлаш;

---

<sup>20</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида давлат дастурлари ва бошқа дастурлар ишлаб чиқилишини ҳамда амалга оширилишини, шунингдек уларнинг ижроси устидан назоратни ташкил этиш;

ваколатли органлар ва муассасаларнинг фаолиятини уларнинг фаолияти самарадорлигини, яқиндан ҳамкорлиги ва иш уйғунлигини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича қўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш;

жиноятларни фош этиш, тергов қилиш, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш амалиётини ўрганиш;

жиноятлар фош этилишини ҳамда суриштирув, тергов ва суд органларидан яширган шахсларнинг қидиувини таъминлаш мақсадида тезкор-қидиув ва профилактика тадбирларининг самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни хуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун хужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

ваколатли органлар ва муассасаларнинг ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларга барҳам беришдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш, шунингдек, ҳуқуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва уларга имкон берётган шарт-шароитларни аниқлаш юзасидан чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги маълумотларни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

худудий комиссияларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Мувофиқлаштиришнинг асосий мақсади хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашувчи структураларнинг ўзаро

боғлиқ ва ҳамкорликда ҳаракат қилишини таъминлаш, уларнинг фаолияти самарадорлигини, яқиндан ҳамкорлиги ва иш уйғунлигини таъминлаш, жиноятларни тез, тўла, ҳар томонлама аниқлаш, тергов олиб бориш, очиш ҳамда ваколатли органларга унинг юзага келиш сабаб ва шароитларини олдини олишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ти Қонунининг 8-моддасида “Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш” тартиби белгиланган бўлиб, унда кўрсатилишича, “Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради. Ушбу модданинг биринчи кисмида кўрсатилган органлар фаолиятини мувофиқлаштириш учун прокурор мувофиқлаштирувчи кенгаш чақиради, ишчи гурухлар ташкил этади, зарур ахборот, шу мумладан статистика маълумотларини талаб қилиб олади, қонун ҳужжатларига мувофик бошқа ваколатларни амалга оширади” деб қайд этилган<sup>21</sup>.

Таъкидлаш жоизки, хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашда хукуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд ҳамкорлиги суд ҳокимиятининг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниш тамойилларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

Хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича Республика идоралароро комиссияси судлар билан ҳамкорликни куйидаги асосий шаклларда амалга оширади:

ахборот алмашинуви ҳамда хукуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларни ишлаб

---

<sup>21</sup> Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 23.01.2020 й., 03/20/603/0071-сон.

чиқища суд-тергов статистика маълумотлари, суд амалиёти материалларидан фойдаланиш;

қонунчилик ва хуқуқни қўллаш амалиётининг такомиллаштирилишини таъминлаш мақсадида норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатлар лойиҳаларини ҳамкорликда ишлаб чиқиш;

қонунда белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қонунчиликни қўллаш масалалари бўйича тушунтиришлар бериш тўғрисидаги қарорларини тайёрлашда иштирок этиш;

ҳамкорликда семинар, “давра сухбати” ва конференциялар ўтказиш, ваколатли органлар ва муассасалар ходимларининг малакасини ошириш ишида иштирок этиш;

тегишли ваколатли органлар ва муассасаларга, шунингдек манфаатдор давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига, бошқа ташкилотларга ҳамкорликдаги ахборот хатлари, кўрсатмалар, маълумотнома ва шарҳларни юбориши.

Прокуратура органлари ўз хуқуқий ҳолатига кўра давлат ҳокимияти органлари тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Ўзаро мувозанат ва тийиб туриш тизимининг муҳим бўғини саналган прокуратура ягона давлат ҳокимиятининг турли тармоқлари ўзаро алоқа қилишига, улар ягона давлат механизми сифатида келишилган фаолият кўрсатишига кўмаклашади. Айни пайтда ушбу жараённинг динамикаси мазкур орган хуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари билан турли хуқуқий ҳаракатларни бажариш орқали ўзаро алоқа қилиши мумкинлигидан далолат беради. Хуқуқий ҳолати нуқтаи назаридан субъект хуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари билан боғлиқ ҳолда қаралади, бунда давлат аппаратининг мустақил, бироқ бир-бири билан боғлиқ қисмларининг вертикал ва горизонтал муносабатлари аниқланади<sup>22</sup>.

Прокуратура хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилиш, хуқуқбузарликлар

---

<sup>22</sup> Прокурорларнинг профессионал масъулияти, асосий мажбуриятлари ва хукуклари соҳасида халқаро ва миллий стандартлар (ўқув кўлланма). Т.: “Fan va texnologiya”, 2011, 65-бет.

профилактикаси ҳамда уларнинг жиноятчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ваколатларини амалга ошириш орқали ижро этувчи ҳокимиятга ўзига хос хизматлар кўрсатади, бунда у ижро этувчи ҳокимиятнинг бошқа органлари билан ўзаро алоқа килиш орқали ўзаро мувозанатга солувчи ва тийиб турувчи омил вазифасини бажаради.

Прокуратура органлари ҳуқуқий муносабатларнинг барча соҳаларида қонунларнинг ижро этилиши устидан назоратни амалга оширади; ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчилари томонидан йўл қўйилган қонунлар бузилишини аниқлайди; қонунийликнинг ҳолати ва уни таъминлаш борасидаги фаолиятда мавжуд камчиликлар ҳақида давлатнинг бошқа органларидан яхшироқ хабардор бўлади. Шу туфайли ҳам прокуратура давлат ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органларининг қонунийликни таъминлаш борасидаги фаолиятини бошқа давлат муассасаларидан самаралироқ мувофиқлаштиришга қодир. Мувофиқлаштириш мазмун жиҳатидан прокурорлар ва мувофиқлаштирилаётган органлар жиноятчилик ҳамда қонунийликнинг, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш ҳолатини таҳлил қилишни, мувофиқлаштириш фаолият иштирокчиларининг умумий мақсадларига эришишда келишилган тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишни ўз ичига олиши мумкин.

Шунингдек, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадида вояга етмаганлар ишлари бўйича идоралараро комиссияси тузилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Республика комиссиясининг ишчи органи ҳисобланади.

Комиссиянинг ҳудудий тузилмалари ўз фаолиятини жамоатчилик асосида амалга оширувчи органлар ҳисобланиб, улар:

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик, қаровсизлик, ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларнинг олдини

олиш, уларга имкон тутдирувчи сабаблар ва шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш;

вояга етмаганларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш;

ижтимоий жиҳатдан хавфли аҳволда бўлган вояга етмаганларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш мақсадида тузилади.

Хусусан, вояга етмаганлар ишлари бўйича республика идоралараро комиссиясининг Республика комиссияси қуйидаги асосий вазифаларни амалга оширади:

давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини уларнинг самарадорлигини, яқиндан ҳамкорлиги ва иш ўйғунлигини таъминлаш мақсадида мувофиқлаштириш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шунингдек хуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга имконият яратаБтган шарт-шароитларни аниқлашдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш юзасидан чораларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикаси, уларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўрилаётган чораларни баҳолаш, мониторинг қилиш ва самарадорлигини ошириш;

тизимли камчиликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини аниқлаш, таҳлил қилиш ҳамда уларни хуқуқни қўллаш амалиёти ва қонун ҳужжатларини такомиллаштириш йўли билан бартараф этиш;

давлат органлари ва ташкилотларнинг вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шунингдек хуқуқбузарлик содир этиш сабаблари ва бунга имконият

яратадиган шарт-шароитларни аниқлашдаги ўзаро ҳамкорлигини яхшилаш юзасидан чораларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хуқуқбузарликлар профилактикасиға оид маълумотни тўплаш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ҳамда тегишли органлар ва муассасалар фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида улардан фойдаланиш;

худудий комиссиялар фаолиятини мувофиқлаштириш<sup>23</sup>.

Давлат ҳокимияти ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан лозим даражада ўзаро алоқа қилишни таъминлаш ҳам прокуратура ҳамкорлигининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Айни пайтда “ўзаро алоқа” деганда умумий мақсадлар ва вазифаларга эга бўлган турли органларнинг ўзаро келишилган фаолияти тушунилади.

Бундан ташқари, ижтимоий ҳамкорлик муносабатлари прокуратура органлари фаолиятининг устувор вазифаларидан бири ҳисобланади. Бундай муносабатлар прокуратура органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан самарали ва ишончли ҳамкорлигига асосланади. Ушбу муносабатлар Конституцияда мустаҳкамланган бўлиб, унинг 121-модда иккинчи қисмига мувофик, қонунийлик ва хуқуқий тартиботни, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда хуқуқни муҳофаза қилиш органларига жамоат бирлашмалари ва фуқаролар қўмак қўрсатишлари мумкин<sup>24</sup>. Ушбу норманинг Конституцияда мустаҳкамлаб кўйилгани мазкур муносабатларнинг муҳимлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Таъкидлаш жоизки, миллий қонунчиликда прокурор ва адвокат ўртасида ўзаро яқин муносабатларга замин яратувчи қоидалар мустаҳкамланган. Масалан, ЖПКнинг 87-моддаси 2-қисмида мустаҳкамланган нормага мувофик, ҳимоячи далиллар сифатида фойдаланилиши мумкин бўлган маълумотларни тўплашга ҳақли ва унинг

<sup>23</sup> Ўзбекистон Республикаси конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.12.2019 й., 06/19/5894/4161-сон.

<sup>24</sup> Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 й., 2-сон, 47-модда.

ушбу маълумотларни ишга қўшиб қўйиш тўғрисидаги илтимосномаси суриштирувчи, терговчи, прокурор томонидан, албатта, қаноатлантирилиши керак.

Шунингдек, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга адвокатнинг касбий фаолиятига тўсқинлик қилиш учун жавобгарлик белгиловчи 197<sup>1</sup>-модда киритилди<sup>25</sup>.

Таъкидлаш жоизки, бошқа давлат органлари қатори прокуратура органлари ҳам нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини, шу жумладан, тармоқ, худудий дастурларни, шунингдек, норматив-хуқуқий хужжатларни ҳамда фуқароларнинг ҳуқуqlари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган бошқа қарорларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш борасидаги ижтимоий шерикликни амалга оширади.

Давлат ҳокимиятининг турли органлари ҳамда ҳуқуқий муносабатларнинг бошқа субъектлари билан ҳамкорлик прокуратура органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 52-моддасида прокуратура органлари халқаро ҳамкорлигининг қонунчилик асослари мустаҳкамланган бўлиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Ўзбекситон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ чет эл давлатларининг тегишли органлари билан прокурор назорати, жиноятчиликка қарши кураш соҳасида ҳамда бошқа масалалар бўйича ҳамкорлик қиласи.

Шу билан бирга, прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишдаги халқаро ҳамкорлиги Ўзбекистон Республикаси ратификация қилган халқаро конвенция, икки ва кўп томонлама шартнома ва бошқа миллий ва хорижий ҳужжатларда ўз аксини топган. Жумладан:

---

<sup>25</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.03.2020 й., 03/20/613/0362-сон.

Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида “Фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ҳамда ҳуқуқий муносабатлар тўғрисида”ги Шартноманинг (Тошкент, 1997 йил 18 июнь) I бўлим II қисми ҳуқуқий ёрдамга бағишлиланган бўлиб унга кўра, аҳдлашувчи томонларнинг адлия муассасалари фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ушбу Шартнома қоидаларига мувофиқ ўзаро ёрдам берадилар<sup>26</sup>.

Мазкур турдаги шартномалар Қозогистон Республикаси (Олма-ота, 1997 йил 2 июнь), Болгария Республикаси (София, 2003 йил 24 ноябрь), Хиндистон Республикаси (Дехли, 2000 йил 2 май) ва бошқа қатор мамлакатлар билан имзоланган<sup>27</sup>.

Қайд этиш керакки, сўнгги йилларда республикада фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, суд-хуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича кенг миқёсли ишлар амалга оширилди. Ҳуқуқбузарликларнинг барвақт профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш, шу жумладан, устувор йўналиш ҳисобланган одам савдосига қарши курашиш ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини кафолатли ҳимоялаш ҳамда халқаро майдонда давлатимиз имижини ошириш мақсадида фуқаролик жамияти вакиллари ва мазкур соҳадаги хорижий ноҳукумат ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликни таъминлаш бўйича иш олиб борилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, прокуратура органларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш соҳасидаги идоралараро ва халқаро ҳамкорлигининг таъсирчан тизимини яратиш мазкур фаолиятни янги босқичга қўтаришга, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларни, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг

---

<sup>26</sup> ps://lex.uz/docs/2191461.

<sup>27</sup> Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 15.05.2020 й., 03/20/617/0585-сон.

бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бўйича белгиланган вазифаларни самарали амалга оширишга хизмат қиласи.

### **ІІІ БОБ. ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯЛАШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

#### **3.1. Ўзбекистон республикасининг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасидаги халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш масалалари**

Юртимизда олиб борилаётган узоқ истиқболни кўзловчи прагматик сиёсат натижасида кейинги қисқа давр мобайнида мамлакатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори анча мустаҳкамланмоқда. Амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига сазовор бўлмоқда. Хорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли алоқаларимиз кескин кенгайиб, юртимизнинг дунё миқёсидаги ижобий имижи шаклланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлиснинг Сенати ва Конунчилик палатасига тақдим этган навбатдаги Мурожаатномасида ҳам ташқи сиёсат борасида эришилган ютуқлар таъкидланиб, бу борада галдаги вазифалар сифатида дунё ҳамжамиятида Ўзбекистонга бўлган қизиқиши ошириш, унинг халқаро майдондаги нуфузини янада мустаҳкамлаш масаласига алоҳида ургу берилди.

Таъкидлаш жоиз, бу ўринда Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индексларда юқори ўринларни эгаллашига эришиш муҳим аҳамият касб этади, чунки халқаро рейтинг ва индекслар дунёдаги институционал мухитнинг сифатини баҳолаш – иқтисодий ривожланишининг асосий шарти сифатида дунёда умум қабул қилинган восита ҳисобланади.

Бугунга келиб бу каби рейтинг ва индекслар нафақат эксперталар, балки давлатлар даражасида ҳам ислоҳотлар ва иқтисодий сиёсатнинг муваффақияти мезонлари сифатида қўлланила бошланди.

2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини амалга ошириш доирасида мамлакатимизнинг халқаро

майдондаги ижобий обрўсини шакллантириш, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини холис ва ҳаққоний баҳолашни таъминлаш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар амалга оширилди.

Сўнгги йилларда мамлакатимизнинг иқтисодий-ижтимоий ҳамда сиёсий-хуқуқий халқаро рейтинг ва индекслардаги мавқеини ошириш бўйича бир қатор Фармон ва қарорлар қабул қилинди ва соҳада ижобий ўзгаришларга эришилди.

Жумладан, 2016 йилдан бошлаб ўтган давр мобайнида мамлакатимиз “Бизнес юритиш” индексида 18 поғона, “Heritage Foundation” ташкилотининг “Иқтисодий эркинлик” индексида 26 поғонага қўтарилди.

Британиянинг “The Economist” нашри Ўзбекистон Республикасини демократия соҳасида энг катта ютуқларга эришганлиги сабабли “Йил мамлакати” (2019) деб эълон қилди<sup>28</sup>.

Нашрда, шунингдек, Ўзбекистонда мажбурий пахта теримини бекор қилиниши ва хуқуқни муҳофаза қилиш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар юқори баҳоланганд.

“Ўзбекистонда мажбурий меҳнатга барҳам берилиши, минтақадаги энг катта қамоқхонанинг ёпилиши, хорижий журналистларнинг мамлакатга киришига кенг имкониятлар яратилганлиги ва қўшни давлатлар билан алоқани яхшилашда қатор чегара пунктларини очилиши ушбу мамлакатнинг “Йил мамлакати” мукофотига сазовор бўлишига асос бўла олади ”, дейилади “The Economist” нашрида.

Шунингдек, Ўзбекистон бир йил давомида Иқтисодий эркинлик индексида 26 поғона юқорилаб, 186 давлат орасида 114-ўринни эгаллади. Мазкур рейтинг “Мерос” (Heritage Foundation) жамғармаси томонидан “The Wall Street Journal” билан ҳамкорликда тузилган<sup>29</sup>.

---

<sup>28</sup> [http://uza.uz/oz/society/zbekiston-yil-mamlakati-deb-elon-ilindi-19-12-2019?phrase\\_id=9302213](http://uza.uz/oz/society/zbekiston-yil-mamlakati-deb-elon-ilindi-19-12-2019?phrase_id=9302213)

<sup>29</sup> [http://uza.uz/oz/business/i-tisodiy-erkinlik-indeksi-2020-da-zbekiston-26-po-on-a-k-tar-21-03-2020?phrase\\_id=9302887](http://uza.uz/oz/business/i-tisodiy-erkinlik-indeksi-2020-da-zbekiston-26-po-on-a-k-tar-21-03-2020?phrase_id=9302887)

Қайд этиш керакки, рейтингни ишлаб чиқишида таҳлилчилар 12 омил — эгалик ҳуқуқи, суд самарадорлиги, ҳукумат жипслиги, солиқ юкламаси, давлат сарф-харажатлари, фискал сиёсат, тадбиркорлик эркинлиги, меҳнат эркинлиги, монетар эркинлик, савдо эркинлиги, инвестициявий эркинлик, молиявий эркинлик каби унсурларни инобатга олишади.

Ушбу кўрсаткичлар тўрт гурухга бўлинган — “Қонун устуворлиги”, “Иқтисодиётда давлатнинг роли”, “Барқарор самарадорлик” ва “Бозор шаффоғлиги”. Йиллик индекс ҳисоботида 186 мамлакатнинг ҳар бири 100-баллик тизимда алоҳида баҳоланади.

“Иқтисодий эркинлик индекси-2020” ҳисоботида 2018 йилнинг 1 июлидан 2019 йилнинг 1 июлигача бўлган даврга оид маълумотлар базаси кўриб чиқилган.

Ўзбекистон бу галги таҳлилда 57,2 балл йиғиб, аввалги рейтингга нисбатан 26 позиция юқорига кўтарилди ва 114-ўринни банд этди. Кейинги уч йилга назар ташлайдиган бўлсак, мамлакатимизнинг бу борадаги натижаси +38 ижобий кўрсаткични қайд этган. Бошқача айтганда, 2018 йил республикамиз 152-ўринда эди.

Баҳо ҳисобида Ўзбекистон рейтинги + 3,9 баллга яхшиланди.

Бундан ташқари, Transparency International ҳуқуқни ҳимоя қилиш ташкилоти 2019 йилги Коррупцияни қабул қилиш индексини (Corruption Perception Index) эълон қилди<sup>30</sup>.

Ўзбекистон ушбу индексда ўрнини бироз яхшилаб, 25 балл тўплади. Мамлакат 180 давлат ва ҳудудлар орасида 153-ўринни эгаллади (ўтган йилги кўрсаткич - 158-ўрин).

Шу билан бирга, Жаҳон банкининг “Бошқарув сифати индикаторлари”даги “Сўз эркинлиги ва ҳисобдорлик”, “Ҳукумат самарадорлиги”, “Норматив сифат”, “Коррупцияни назорат қилиш” ва “Қонун устуворлиги” индексларидағи ўзгаришлар пастлигича қолаётган бўлса,

---


<sup>30</sup> <https://www.transparency.org/cpi2019?news/feature/cpi-2019>

“Сиёсий барқарорлик ва зўравонлик/терроризмнинг мавжуд эмаслиги” индексидаги ўзгаришлар салбий баҳоланган.

Буюк Британиянинг “The Economist Intelligence Unit” аналитик гуруҳи анъанавий йиллик (2019 й.) Демократия индексини эълон қилди<sup>31</sup>. Унда Ўзбекистон 167та мамлакат орасидан 157-ўринда қайд этилган.


60та индикатор бўйича республиканинг ўртача кўрсаткичи 10 балдан 2,01 бални ташкил этган. Ўзбекистон 2018 йилги рейтингда худди шунча балл билан 156-ўринни эгаллаган эди.

Chart 1: Democracy Index 2019, global map by regime type



Source: The Economist Intelligence Unit.

<sup>31</sup> <http://www.eiu.com/topic/democracy-index>



2006-2019 йилларда Ўзбекистоннинг Демократия индексидаги кўрсаткичлари  
Манба: The Economist Intelligence Unit

“Тахминимизча, келгуси йилларда бу мамлакатларнинг рейтинг кўрсаткичларида ижобий ўзгаришлар жуда хам сезилмас даражада бўлади ёки умуман ўзгариш бўлмайди. Боиси уларнинг ҳеч бирида сиёсий мухолифатнинг кучайиши эҳтимоли йўққа ўхшаб кўриняпти”, – дея таъкидланган тадқиқот хуносасида.

Индекс жами 60та индикатор баҳосига асосланади. Индикаторлар қўйидагича 5та йирик групга ажратилган (*қавс ичида 2019 йилда Ўзбекистонга берилган балл кўрсаткичи*): “Сайловлар ва плюрализм” (10 балдан 0,08), “Хукумат фаолияти” (1,86), “Аҳолининг сиёсий жараёнлардаги иштироки” (2,22), “Сиёсий маданият” (5,00) ва “Фуқаролик эркинликлари” (0,88).

Шунингдек, Freedom House ташкилоти жаҳон мамлакатларидағи эркинлик даражасига оид анъанавий йиллик ҳисоботини эълон қилди. Унга

кўра, Ўзбекистон ҳамон эркинлик даражаси энг қуи давлатлар тоифасида қолмоқда.

2019 йил якунлари бўйича Ўзбекистон 100 баллик шкалада 10 балл тўплаган. Бунда республикага сиёсий ҳуқуқлар бўйича 40 баллдан 2, инсон эркинликлари бўйича 60 баллдан 8 балл берилган.

Янги ҳисоботда Ўзбекистон ва Беларусдаги парламент сайловлари мухолиф партияларсиз ўтгани айтилган<sup>32</sup>.

*“Натижада қонун чиқарувчи ҳокимият тўлалигича ҳукуматга ён босувчи гуруҳлар қўлида қолмоқда”*, – дейилади Freedom House шарҳида<sup>33</sup>.

2019 йил 22 декабрь ва 2020 йил 5 январь кунлари Ўзбекистонда парламент ва маҳаллий кенгашлар депутатлигига сайловлар бўлиб ўтди. Жараённи ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари Бюросининг тўлиқ миқёсдаги миссияси кузатиб борди. Миссия раҳбари Тана де Зулуста сайловдан кейинги матбуот анжуманида ютуқларни санаб, кўзга ташланган камчиликларни ҳам айтиб ўтганди<sup>34</sup>.

“Хулосаларга кўра, ҳисоблаш жараёнлари охиригача силлиқ ўтмаган. Қонунда белгиланган процедураларга тўлиқ амал қилинмагани, натижалар ўзгаргани кўринди. Баъзи жойларда рақамлар камроқ эди. Ишлатилмай қолган бюллетенларни ҳеч ким ҳисоблаб чиққани йўқ. Ҳисоблар охиригача олиб борилмаган ҳолларни ҳам кўрдик. Кўрсаткичларнинг аниқлигига ишонч ҳосил қилиш учун бирор киши, холис одам қайта санаб чиқмади. Хавфсизлик таъминланмаган каналлар орқали маълумотлар алмашинуви амалга оширилган ҳоллар ҳам кузатилган” - деганди миссия раҳбари.

ЕХХТнинг Парламент ассамблеяси миссияси раҳбари Кари Хенриксен ҳам сайлов жараёнлари камчиликлардан холи бўлмаганини айтган. “Ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар бўлиб ўтгани, улар керакли

---


<sup>32</sup> [https://freedomhouse.org/sites/default/files/2020-02/FIW\\_2020\\_REPORT\\_BOOKLET\\_Final.pdf](https://freedomhouse.org/sites/default/files/2020-02/FIW_2020_REPORT_BOOKLET_Final.pdf)

<sup>33</sup> <https://freedomhouse.org/report/freedom-world/2020/leaderless-struggle-democracy>

<sup>34</sup> <https://kun.uz/news/2019/12/23/saylovdan-song-xalqaro-kuzatuvchilar-saylov-jarayonidagi-yutuq-va-kamchiliklar-haqida>

йўналишда олиб борилаётгани қайд этилганига қарамай, сиёсий варианлар диапазони жуда чекланганлигича қолмоқда”, – деганди у.

Freedom House'нинг анъанавий тадқиқоти 195та мамлакатни қамраб олган бўлиб<sup>35</sup>, улардан 83тасида (картада яшил) эркинлик, 63тасида (сарик) қисман эркинлик бор. Эркинлик бўлмаган мамлакатлар эса 49та (бинафшаранг).



Марказий Осиёдан факат Қирғизистонда қисман эркинлик бор  
Манба: Freedom House

<sup>35</sup> <https://freedomhouse.org/countries/freedom-world/scores>

№	Халқаро рейтинг ва индекслар	2017	2018	2019	Үсүүш пасайиш
1.	Бизнес юритиши индекси	76	76	69	7
2.	Иқтисодий эркинлик индекси	148	152	140	12
3.	ИХТТ Мамлакатларга хос хатарлар кредит рейтинги	6-гурух	6-гурух	5- гурух	1
4.	Статистик салохијият индекси *	118	116	-	2
5.	Инсон таракқиёти индекси *	107	105	-	2
6.	Жаңон матбуот эркинлигиги индекси	169	165	160	5
7.	Коррупцияни қабул қилиш индекси *	157	158		-1
8.	Демократия индекси *	158	156		2
9.	Суверен кредит рейтинглар	-	BB-	BB-	-
10.	Бошқарув сифати индикаторлари:				
	Сиёсий барқарорлик ва зўравонлик / терроризмнинг йўқлиги индекси *	131	136		-5
	Хукумат самарадорлигиги индекси *	141	139		2
	Норматив сифат индекси *	191	184		7
	Қонун устуворлигиги индекси *	186	182		4
	Коррупцияни назорат қилиш индекси *	184	183		1
	Сўз эркинлигиги ва ҳисобдорлик индекси *	197	191		6

Рейтинглар 2019 йилда 2018 йил учун баҳоланган.

Бундан ташқапи, “*Коррупцияни тийиб туриши*” субиндикатори бўйича Economist Intelligence Unit ва Freedom House ташкилотлари томонидан Ўзбекистонга “0” балл қўйилган<sup>36</sup>. Бунга асосий сабаблар қуидагилардан иборат:

фуқаролар турар жойларининг бузилиши;

мансадор шахслар томонидан фуқароларнинг хуқуқлари бузилиши ҳолатлари жазосиз қолаётганилиги;

жойларда майший коррупциянинг мавжудлиги;

суд тизимида қонунийлик билан боғлиқ вазиятнинг ёмонлашуви.

Таъкидлаш жоизки, халқаро рейтинг ва индекслар кўпгина давлат идоралари раҳбарлари томонидан оддий статистика сифатида қаралмоқда. Аммо, хар бир рейтинг ва индекс маълум бир маънога эга бўлиб, қонун устуворлиги, давлат бошқаруви сифати, аҳолининг турмуш даражаси, тадбиркорлик фаолияти ва хорижий инвесторлар учун қулай муҳит, барқарор иқтисодий ўсиш ва рақобатбардошликни баҳолайди. Буларнинг барчаси эса аҳолини рози қилишни англатади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишни енгиллаштириш ва рағбатлантириш мақсадида соҳага оид қатор тартиботлар танқидий қайта кўриб чиқилиб, эскирган, замон талабига жавоб бермайдиган бюрократик тўсиқ ва ғовлар бекор қилинди. Кўрилган чоралар натижасида республикада ишбилармонлик муҳити яхшиланди, тадбиркорлик субъектлари ва хусусий инвесторлар учун кенг имкониятлар яратилди.

Бундай ижобий ўзгаришлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам кенг эътироф этилмоқда. Жумладан, Жаҳон банки ва Халқаро молия корпорацияси томонидан эълон қилинган “**Бизнес юритиш – 2020**” ҳисоботида Ўзбекистон **69-ўринни** эгаллаб, ислоҳотлар миқёси ва самарадорлиги бўйича дунёning энг яхши **20 та ислоҳотчи давлати** қаторидан жой олди.

---

<sup>36</sup> <https://kun.uz/news/2019/12/26/freedom-house-korrupsiyani-tiyib-turish-subindikatori-boyicha-ozbekistonga-0-ball-qoysi-bunga-asosiy-sabablar>

Шу билан бирга, тадбиркорлар ва инвесторлар билан учрашувлар жойлардаги ижрочилар соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мазмун-моҳиятидан тўлиқ хабардор эмаслигини, қабул қилинган норматив-хуқуқий ҳужжатларнинг амалиётга жорий этилиши сезиларли даражада ортда қолаётганлигини, айрим лицензия ва руҳсатномаларни расмийлаштиришда ортиқча бюрократик тўсиқлар мавжудлигини кўрсатмокда.

Мамлакатимизда бизнес юритиш муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш борасида бошланган ислоҳотларни давом эттириш ҳамда қабул қилинган қонун ҳужжатларининг жойларда тўғри татбиқ этилишини таъминлаш мақсадида Прокуратура ходимлари хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунчиликка қатъий риоя этилиши устидан назоратни кучайтириши, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш натижаларини қайта кўриб чиқиш ва бекор қилиш ташабbusи билан чиққанлик учун ваколатли давлат органлари мансабдор шахсларининг муқаррар жавобгарлигини жиной жавобгарликка тортишга қадар оширишни амалга ошириши лозим.

Мамлакатимизда иқтисодий ўсишнинг ишончли базасини яратиш ва аҳоли фаровонлигини ошириш, ҳозирги кундаги жаҳон иқтисодиётидаги замонавий жараёнлар фонида, айниқса, долзарб аҳамиятга эга. Бинобарин, инвестициялар оқимини сезиларли даражада ошириш, институционал ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш борасидаги муаммоларни ҳал қилишнинг самарали усулларидан бири бу юртимизнинг умумэътироф этилган ҳалқаро рейтингларда фаол иштирокини таъминлаш ва ушбу тадқиқотларда муайян натижаларни қўлга киритишдир. Бу, ўз навбатида, нафақат Ўзбекистонга бўлган ишончнинг ортишига, балки долзарб масалаларни аниқ белгилаб олиб, энг мақбул ҳалқаро амалиётга асосланган бизнес ва инновацион фаолият шароитларини шакллантириш борасида ҳам муваффақият омили бўлади.

Шунинг учун ҳам 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш” назарда тутилган.

Президентимиз томонидан 2019 йил 25 феврал куни имзоланган “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4210 сонли қарор бу йўналишдаги ислоҳотларнинг яна бир янги босқичини бошлаб берди.

Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглардаги ўрнини мониторинг қилиш ва баҳолаш миллий тизими яратилади. Миллий мониторинг тизимини ташкил этишнинг дастлабки босқичи сифатида тадқиқот институтларига халқаро рейтинглар бириктирилиб, улар зиммасига халқаро рейтингларнинг методологик ва бошқа таркибий қисмларини аниқлаш, уларни амалдаги қонунчиликка имплементация қилиш, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинглардаги паст кўрсаткичларига сабаб бўлаётган асосий омилларни аниқлаш вазифаси юклатилди.

Шунингдек, интернет тармоғида “Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда” ягона портали ишга туширилиши назарда тутилди. Мазкур порталда халқаро рейтинглар бўйича йиллик ҳисоботлар, шунингдек, ҳисоботларни ўрганиш ва эълон қилиш муддатларини кўрсатган ҳолда тегишли йўналишлар бўйича ишлар аҳволини яхшилашга қаратилган халқаро ташкилотлар ва эксперtlарнинг тавсиялари ёритиб борилади. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда хорижий давлатларнинг ижобий тажрибасига асосланган рейтинглар методологияси тасдиқланиб, мамлакатимизнинг халқаро рейтинглардаги ўрнини, шу жумладан, тадқиқот институтларининг маълумотлари ва ўрганиш натижаларини ҳисобга олган ҳолда яхшилаш бўйича ҳар йили “Йўл ҳариталари” ишлаб чиқилади.

Албатта, ушбу Қарорда белгиланган вазифаларни тўлиқ бажарилишида қуйидаги омилларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

—қарорда қайд этилган халқаро рейтинг ва индексларда етишмаётган ва мавжуд бўлмаган кўрсаткичлар бўйича Ўзбекистонда статистик ҳисоботлар базасини шакллантириш ва жорий қилиш;

—мамлакатимиз ҳар бир халқаро рейтинг ёки индексда аниқ рақам кўрсаткичлари кўринишида кўзлаётган манзилли мақсадларни белгилаш;

—устувор халқаро рейтинглар ва индекслар, уларнинг таркибий қисмларини, шу жумладан, тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг умумий принциплари доирасида бошқариш амалиётида таҳлил қилиш ва ҳисобга олишини таъминлайдиган усулларни ишлаб чиқиш;

—рейтинг ташкилотчилари билан конструктив алоқаларни ўрнатиш, шу жумладан, методологик масалалар, таҳлилий ахборот алмашиш, шунингдек, тавсиялар олиш.

Яна шуни ҳам қайд этиш лозим, мамлакатимизда халқаро рейтинг ва индексларда илдамлаш мақсадида, ушбу рейтинг ва индекслар доирасидаги индикаторлар билан чекланиб қолмай, балки параллел равища Ҳаракатлар стратегиясида назарда тутилган барча соҳалардаги вазифаларни амалга ошириш бўйича аниқ мақсадли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини камайтириш, хусусий секторнинг ролини кучайтириш, суд-хукуқ тизимини янада либераллаштириш, фуқароларнинг хукуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш ва бошқа масалаларда қатор чор-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ қилиниб келинмоқда. Айниқса, кичик бизнес субъектларининг муаммоларини ҳал этишда судлар томонидан адолат ўрнатиш, иқтисодий судлар фаолиятини тақомиллаштириш, умуман, аҳолининг суд-хукуқ тизимиға бўлган ишончини мустаҳкамлаш давлат фаолиятида устувор аҳамият касб этмоқда.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги

ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ти ПФ-6003-сонли Фармони қабул қилиниб, унда мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги ва халқаро майдондаги имиджини мустаҳкамлаш, давлат органлари ва ташкилотларида халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашнинг янги механизмларини жорий қилиш, шунингдек, 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Хусусан, масъул давлат органлари биринчи раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг бош мезонларидан бири этиб Ўзбекистон Республикаси учун устувор бўлган халқаро рейтинг ва индексларда мамлакатнинг ўрнини яхшилаш назарда тутилди.

Таъкидлаш жоизки, прокуратура органлари ҳудудий раҳбарларининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат фаолияти йўналишини баҳолашда самарали мезонлар ишлаб чиқилиши, улар асосида Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳудудларга оид сиёsatни белгилаши ҳамда раҳбарларни рағбатлантириш масалаларини пухта кўриб чиқиши мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси нуфузли халқаро рейтинглар ва индексларда ўз позицияларини жиддий равишда ошириш, шунингдек бугунги кунда қайд этилмайдиганларида ўзини кўрсатиш мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ. Жумладан:

**Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” (Doing Business) индексидаги кўрсаткичларимизни кўтариш учун тўртта йўналиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини амалга ошириш мақсадга мувофиқ:**

- корхоналарни рўйхатдан ўтказиш жараёнини такомиллаштириш;
- кредит олиш имконини ошириш;

-“Қурилиш учун рухсатнома олиш”, “Мол-мулкни рўйхатдан ўтказиш”, “Миноритар инвесторларни ҳимоя қилиш” ва “Тўловга ноқобилликни ҳал этиш” сингари рейтингнинг бошқа компонентларини такомиллаштириш;

-Жаҳон банки билан ҳамкорлик қилиш.

**Иқтисодий эркинлик индекси (Index of Economic Freedom)** иқтисодий жараёнларни ўрганиш якунлари бўйича The Wall Street Journal газетаси билан ҳамкорлиқда Мерос жамғармаси (The Heritage Foundation) томонидан нашр этилади.

Тадқиқотлар 10 та назорат кўрсаткичи: мулк ҳуқуқи, коррупциядан холилик, фискал эркинлик, ҳукумат иштироки, тадбиркорлик эркинлиги, меҳнат эркинлиги, монетар эркинлик, савдо эркинлиги, инвестиция эркинлиги ва молиявий эркинликка асосланади.

Ташкилий-услубий, статистик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бу борадаги вазиятни ўнглашга хизмат қиласди. Хусусан, индекс тузувчилар билан бевосита музокаралар ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси миссиясини юбориши, Иқтисодий эркинлик индексини ошириш мақсадида Халқаро стандартларни имплементация қилиш бўйича концепция ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш лозим.

**Қонун устуворлиги индекси (The Rule of Law Index)** The World Justice Project халқаро ноҳукумат ташкилоти услубияти бўйича мунтазам (бир неча йилда бир марта) тузилади.

Индекс комбинацияланган кўрсаткич бўлиб, эксперт манбаларидан ва жамоатчилик фикрини сўраш орқали олинган маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади. Жами 8та назорат кўрсаткичи: ҳокимият институтлари ваколатларини чеклаш, коррупциянинг йўқлиги, тартиб ва хавфсизлик, асосий ҳуқуқлар ҳимояси, ҳокимият институтларининг шаффоғлиги, қонунларга риоя этиш, фуқаролик соҳасидаги одил судлов ва жиноят соҳасидаги одил судлов баҳоланади.

## **Коррупцияга муносабат индекси (The Corruption Perceptions Index).**

1996 йилдан буён Transparency International халқаро нохукумат ташкилоти услугияти бўйича ҳар йили тузилади.

Суд-ҳукуқ блоки рейтингида позицияни ошириш бўйича қуйидаги умумий ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш мақсадга мувофик:

- ташкилий-услубий базани такомиллаштириш;
- ҳокимият институтларини демократлаштириш;
- коррупцияга қарши қурашиш;
- асосий ҳукуқларни ҳимоялаш, тартиб ва хавфсизликни таъминлаш;
- суд-ҳукуқ тизимида қонунийликнинг янада мустаҳкамлаш.

**Матбуот эркинлиги жаҳон индекси (Worldwide Press Freedom Index).** У 2001 йилдан буён миллий масс-медиа фаолиятидаги 43 та асосий кўрсаткичларни текшириш асосида ҳар йили тузилади. “Чегара билмас репортёрлар” (“Репортёры без границ”) халқаро нохукумат ташкилоти томонидан нашр қилинади.

Аудио-, видео- ва босма материалларни тарқатиш миқёсини янада кенгайтириш; қўшма медиа-лойиҳаларни амалга ошириш; хорижий тилларда қисқа ахборот материалларини тезкор тайёрлаштизимини яратиш юзага келган вазиятни ўзгартиришда ёрдам беради. Хорижий социологик марказлар билан ҳамкорлик ўрнатиш, журналистикага ўқитишининг янги дастурларини жорий этишга эҳтиёж бор;

**Жаҳон мамлакатларининг демократия индекси (The Democracy Index).** Бу 2006 йилдан буён мунтазам ўтказилаётган сиёсий жараёнлар глобал тадқиқотидир. Якунлар бўйича рейтинг шакллантирилади, унинг услугияти муаллифи Британиядаги The Economist Intelligence Unit тадқиқот маркази (*Англиядаги Economist журналининг таҳлил бўлинмаси*) хисобланади.

Рейтинг қисман эксперт баҳоларига ва тегишли мамлакатлар аҳолиси орасида ўтказилган жамоатчилик фикри сўрови натижаларига асосланган. Сайлов жараёни ва плюрализм, ҳукумат фаолияти, сиёсий иштирок, сиёсий

маданият, фуқаролик эркинликлари тоифаларига бирлаштирилган 60 та асосий кўрсаткичдан шакллантирилади.

Ўзбекистон демократияси индексини ошириш учун рейтингдаги барча бешта тоифа бўйича чора-тадбирлар “йўл харитаси” лойиҳасига киритилган.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда шуни айтиш мумкинки, мамлакатимиз ҳар бир халқаро рейтинг/индекс бўйича қандай мақсадларга эришмоқчи эканлигини аниқ рақамларда кўрсатган маъқул. Шунда айрим хатти-ҳаракатларнинг амалда бажарилиши билан эмас, балки айни прогноз параметрлари билан боғланган муддатларни ҳам кўрсатиш мумкин бўлади.

Бу, биринчидан, вазифалар ва уларни ижро этиш муддатлари ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлиш, иккинчидан эса, мазкур йўналишда амалга оширилаётган ишни мониторинг қилиш самарадорлигини янада ошириш имконини берар эди.

Хулоса ўрнида алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда савдо-иқтисодий, инвестициявий, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш моделларини ишлаб чиқиши, дунёning етакчи халқаро таҳлил ва илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш муассасалари билан алоқаларни мустаҳкамлаш орқали Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги имижини янада юксалтириш долзарб масаладир. Бу борада самарали ва кенг кўламли тарғибот-ташвиқот ишларини йўлга қўйиш, миллий туристик брендни яратиш, хорижий нодавлат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро манфаатли келишувларга эришиш, халқаро ташкилотлар вакилларини юртимизга таклиф қилиш ва уларни юз беряётган ўзгаришлар билан таништириш каби жиҳатлар алоҳида ўрин тутади. Зоро, Ўзбекистонни дунёга кўрсатиш, халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини юксалтириш фақат ва фақат халқимиз фаровонлиги, мамлакатимизнинг барқарор тараққиётига хизмат қиласи.

### **3.2. Прокуратура органларининг инсон хуқуқларини ҳимоя қилишга оид фаолиятини такомиллаштириш истиқболлари.**

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари прокуратура органларининг инсон хуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини ҳам такомиллаштириш заруриятини кетириб чиқармоқда. Шундан келиб ҳолда, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг айрим моддаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-моддасида прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишлари ўз ифодасини топган бўлиб, унда **халқаро муносабатлар соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат** назарда тутилмаган, шунингдек, мазкур назорат обьекти қонунда ҳам ўз ифодасини топмаган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил декабрдаги “Халқаро-хуқуқий соҳада қонунчилик ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 174-сонли буйруғининг 1-бандида халқаро-хуқуқий соҳада қонунчилик ижроси устидан назоратни ташкил этиш борасидаги прокуратура органларининг асосий вазифалари белгиланган бўлиб, улар қуидагилардан иборат:

-Ўзбекистон Республикасининг давлат манфаатлари ҳимоясини таъминлаш;

-Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (кейинги матнда - Ўзбекистон фуқаролари) чет давлатларда, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг (кейинги матнда - чет эл фуқаролари) Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлаш чораларини кўриш;

-Ўзбекистон Республикаси иштирокчиси ҳисобланган халқаро шартномалар бўйича олинган мажбуриятларнинг тегишли вазирлик ва идоралар томонидан сўзсиз бажарилиши устидан назорат олиб бориш;

-хорижий инвесторларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш;

-ўзаро ҳуқукий ёрдам кўрсатишга оид халқаро шартномалар ижросини прокуратура органларида тўғри ва самарали ташкил этиш;

-ваколат доирасида хорижий давлатларнинг ваколатли органлари, республикада аккредитация қилинган дипломатик муассасалар, халқаро ташкилотлар ва хорижий идораларнинг ваколатхоналари билан самарали ҳамкорлик ўрнатиш;

-қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши.

Таъкидлаш жоизки, чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш борасида бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжуд. Уларнинг хорижий мамлакатлар ва Республика чегараларида қолиб кетиши, одам савдоси қурбони бўлиши ва бошқа кўринишдаги ҳуқуқларининг бузилиши уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя этиш ўз вақтида, самарали ҳамда тизимли амалга оширилмаётганлигидан далолат беради. Бу борада олиб борилаётган ишлар ҳам топ дорада ёки ҳукумат ҳамда жамоатчилик эътиборига тушганидан сўнг амалга оширилмоқда.

Юқорида қайд этилган камчиликларнинг олдини олиш, чет элда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Республика худудида доимий яшовчи фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини, шунингдек жамият ва давлат манфаатлари ҳимоясини ўз вақтида ва самарали амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура органлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасида **халқаро муносабатлар соҳасида қонунчилик ижроси устидан назоратни** прокуратура органларининг асосий фаолият йўналишларидан бири сифатида қайд этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шунингдек, таклиф этилаётган ушбу асосий фаолият йўналишини қонунда алоҳида боб сифатида батафсил ёритиш прокуратура органларининг ушбу асосий фаолият йўналиши қонунда ўз хуқуқий ифодасини топишига ҳамда бундан манфаатдор томонни бу борадаги ҳуқуқларидан хабардор бўлишига хизмат қиласди.

Қозогистон Республикасининг халқаро шартномаларига риоя этилишини назорат қилиш Қонуннинг 16-моддасида ўз ифодасини топган.

Шунингдек, 21-моддада қонунлар ижросини текшириш назарда тутилган бўлиб, унга кўра қонунлар ижросини текшириш қонунларнинг бузилаётганлиги тўғрисидаги аризалар ва бошқа маълумотлар асосида, шунингдек қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиласидан ҳолатда эканлигидан келиб чиқсан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади, аммо мазкур Қонунда текшириш тартиби баён этилмаган.

**Қонунлар ижросини текшириш тартиби Ўзбекистон**  
Республикасининг қонун ҳужжатларида ўз аксини топмаган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 6 декабрдаги 172-сонли буйруғига 1-илова Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламентида қонунлар ижросини текшириш тартиби тўлиқ баён этилмаган. Хусусан, текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарор чиқаришга ваколатли мансабдор шахс, текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарорда нималар баён этилиши лозимлиги, текшириш ўтказиш тўғрисидаги қарор ҳақида текшириш обьектларини хабардор этиш тартиби, текшириш доирасини кенгайтириш асослари, текшириш ўтказишнинг умумий муддати, уни узайтириш ва тўхтатиб туриш асослари ҳамда муддати, алоҳида таркибий тармоқлар учун муддатнинг амал қилиши, текширув даврига кирмайдиган ҳолатлар, текшириш муддатини узайтириш, қайта текширув ўтказиш асослари ҳамда прокурорнинг текшириш билан боғлиқ ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)

**ва қарорлари устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкинлиги** назарда тутилмаган.

Таъкидлаш жоизки, қонунчилик ижросини текшириш тартибига оид мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқларида эмас, балки Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида ўз ифодасини топиши текшириш субъектларининг ҳам бу борадаги қонуний ҳукуқ ҳамда мажбуриятлари доирасини билишларига имкон беради ва бу қонунлар ижросини текшириш жараёнида ўзларининг бузилган ҳуқуқларини суд орқали тиклаш имкониятини оширади.

Таҳлилларга кўра, қонунлар ижросини текшириш тартиби Россия Федерацияси Прокуратура тўғрисидаги Қонунининг 21-моддасида ўз аксини топган.

Қонунлар ижросини текшириш тартиби Қонунда ўз аксини топиши прокуратура органларининг фаолият самарадорлигига, уларнинг фаолияти тизимли равишда амалга оширилишига, текширув обьектларининг бу борадаги ўз ҳақ-ҳукуқларини билишларига, текшириш муддати асоссиз равишда чўзилиб, текшириш обьектларининг ҳукуқлари поймол бўлишининг олди олинишига хизмат қиласи, шунингдек бу борадаги қонуний асосларнинг юзага келишига имкон беради.

Бу ўз навбатида давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ва ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини бирлаштирувчи замонавий, демократик ҳамда очик-ошкора майдон сифатида уларнинг юқори даражадаги тизимли ва самарали мулоқотини йўлга қўйишга, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш самарадорлигига хизмат қиласи.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал фаоллигини ошириш, уларнинг турли соҳа ва тармоқларда ўз қобилият ва имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, ҳукуқ ва қонуний манфаатларига сўzsиз риоя қилинишини таъминлаш, оналик

ва болаликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек, оила институтини мустаҳкамлаш борасида бир қатор тизимли муаммо ва камчиликлар мавжуд.

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда хотин-қизлар ўртасида хуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ва ҳозирги пайтда бунга зарурат мавжудлигини инобатга олган ҳолда 10.1-бошқарма таркибида **“Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш бўлими”** Бош прокуратура таркибий тармоғини тузиш мақсадгага мувофиқ.

Аёллар ҳақидаги қонунчилик ижроси устидан назорат соҳасида:

-конунийликни мустаҳкамлаш, қонун устуворлигини таъминлаш, аёлларнинг хуқуклари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш;

-давлат бошқаруви, хуқукни муҳофаза килувчи ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхона, муассаса, ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан Хотин-қизлар хуқуклари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисидаги Конвенция, мазкур соҳадаги умумэътироф этилган халқаро хуқуқ нормалари, шунингдек, миллий қонунчилик талабларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш;

-аёллар ўртасида хуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда профилактика килиш, бунга имкон берувчи сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш;

-қонунийлик ва хуқуқни қўллаш амалиётининг доимий таҳлили асосида тизимли қонунбузилишларни аниқлаш;

-қонунчилик ва прокуратура органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳамда хуқуқни қўллаш соҳасида ягона амалиётни шакллантириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;

-хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонунчилик ижроси устидан назоратнинг шакл ва услубларини

**такомиллаштириш прокуратура органларининг асосий вазифалари этиб белгиланиши лозим.**

Кийноққа солиш ва бошқа шафкатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала хамда жазо турларини қўллашга оид жиноят ишларида конун нормаларини тўғри қўллаш юзасидан **Олий суд Пленуми қарорининг қабул қилиниши** мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу суд амалиётида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олишга хизмат қиласди деб ўйлаймиз. Зоро, Ўзбекистон Республикасининг “Судлар тўғрисида”ги Қонунининг 21-моддасида қонун ҳужжатларини қўллаш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг тушунтиришлари судлар, ушбу тушунтиришлар берилган қонун ҳужжатларини қўллаётган бошқа органлар, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар учун мажбурийлиги назарда тутилган.

Қайд этиш керакки, пандемия муносабати билан Ўзбекистон Республикасида жорий этилган карантин қоидларини бузганлик учун бир неча ўн минглаб фуқаро базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)нинг йигирма бараваридан ўттиз бараваригача, бир қанча мансабдор шахслар эса ўттиз бараваридан эллик бараваригача миқдорда жаримага тортилди, аммо бу тоифадаги ишларда адвокатлар қатнашгани ҳақда маълумот йўқ. Бу эса одил судлов тамойилига зиддир.

Мазкур кўринишдаги ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида суд ишларни юритиш чоғида қонунларнинг ижроси устидан прокурор назорати самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳар қандай ҳолатда ҳам инсон хукуqlари ҳимояси иккинчи даражага тушиб қолмаслиги, жумладан, адвокатларнинг касбий вазифасини бажариш имконияти чекланмаслиги лозим.

## ХУЛОСА

Илмий ишининг хulosаси орқали биз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бир бўлгаги бўлмиш прокуратура органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолият ислоҳотларини имкон қадар ёритиш, таҳлил этиш ва мазкур соҳадаги ислоҳотларга илмий ишдан келиб чиқиб таклиф ва таҳлилий хулосаларни беришга ҳаракат қилдик.

Мамлакатимизда олиб борилаётган барча ижтиомий ислоҳотларнинг негизида юқорида айтиб ўтганимиздек, асосий бош ғоя қилиб юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги мақсад қилиб олинган, шунинг учун ҳам халқ манфаатларига мос келувчи қонун ва қоидаларни доимо қайта кўриб чиқиш ҳамда илғорроқлари билан тўлдириб бориш давр тақозосидир.

Илмий ишга таяниб қуйидаги хулоса ва улар асосидаги таклифларни беришимиз мумкин:

**I. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонунини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 4-модда тўққизинчи бандига “**халқаро муносабатлар соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш**”ни прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида қайд этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

**2.** Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги қонунининг 21-моддасида **қонунлар ижросини текшириш тартибини баён** этиш мақсадида биринчи қисмдаги **21-моддасининг биринчи қисмидаги “қонунийлик прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиласидан ҳолатда эканлигидан келиб чиқсан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади**” деган сўзлар “**қонун бузилиш ҳолатлари ҳақида олинган маълумотларни текширув ўтказмасдан тасдиқлаш ёки инкор этишнинг имкони бўлмаса, қонунлар ижросини текшириш прокуратура органлари томонидан амалга оширилади**” деган сўзлар билан алмаштирилиши;

**Иккинчи қисми “Текширув ўтказиши түғрисида қарор прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинади ва текширув ўтказилаётган ташкилот (муассаса) раҳбари ёки бошқа ваколатли вакилига текширув бошланган кундан кечиктирмай етказилади. Текшириши ўтказиши түғрисидаги қарорда текширув мақсади, асослари ва предмети кўрсатилиши лозим” тахририда баён этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.**

Шунингдек, Қонунда қонунлар ижросини текшириш объекти доирасини кенгайтириш асослари ифодалаш мақсадида учинчи қисми “Текширув давомида текширилаётган ташкилот (муассаса) фаолиятида бошқа қонун бузилиш ҳолатлари мавжудлиги түғрисида прокурор томонидан чоралар кўрилишини талаб қиласиган, текширув ўтказмасдан туриб тасдиқланмайдиган ёки инкор этиб бўлмайдиган маълумотлар олинган бўлса, прокурор ёки унинг ўринбосари текшириш доирасини кенгайтириш түғрисида асослантирилган қарор қабул қиласиди. Янги текшириш ўтказиши түғрисида қарор қабул қилинган кундан кечиктирмай текширилаётган ташкилотнинг (муассаса) раҳбари ёки бошқа ваколатли вакилига етказилади” тарзида баён этилиши лозим бўлади.

Бундан ташқари, Қонунда қонунлар ижросини текшириш муддатини назарда тутиш ва уни узайтириш асосларини ифодалаш мақсадида тўртинчи қисми “Текшириш ўтказиши муддати **30** календарь кундан ошмаслиги лозим. Текшириш муддати прокурорнинг ушбу текшириш доирасида қўшимча текшириш ишларини олиб бориши зарурати билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолларда прокурор ёки унинг ўринбосари қарори билан узайтирилиши мумкин. Текшириш муддати **30** календарь кундан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Агар зарурат туғилса, кейинчалик текшириш муддатини **30** календарь кундан ошмайдиган муддатга узайтириш түғрисида қарор фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки у ваколат берган Ўзбекистон Республикаси Бош

**прокурорининг ўринбосари томонидан қабул қилиниши мумкин” тарзида баён этилиши мақсадга мувофиқ бўлади.**

**Бешинчи қисмини “Ўзбекистон Республикасининг турли худудларида фаолият юритувчи ташкилотда (муассасада) текшириш ўтказиш муддати ҳар бир филиал, ваколатхона, алоҳида таркибий бўлинма ҳамда ташкилотнинг (муассасанинг) минтақавий филиали учун алоҳида белгиланади” тартибида баён этиш лозим бўлади.**

Шунингдек, Қонунда текширишни тўхтатиб туриш асосларини баён этиш мақсадида олтинчи қисми “Прокурор ёки унинг ўринбосари қарори билан текшириш қўйидаги асосларга кўра бир неча бор тўхтатиб турилиши мумкин:

**текширув хulosаларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қўшимча маълумотларни олиш учун мураккаб ёки узоқ муддатли тадқиқотлар, синовлар, маҳсус экспертизалар ўтказишга зарурат мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш муддати белгиланган текширув вақтидан ошса;**

**агар текширув ўтказилаётган ташкилотнинг (муассасанинг) ҳаракати (ҳаракатсизлиги) амалга оширилаётган текширувни ўтказишга тўсқинлик қилса ва бу текширишни белгиланган муддатда якунлашга имкон бермаса;**

**сўралган маълумотлар, хужжатлар ва материаллар ёки уларнинг нусхалари ўз вақтида тақдим этилмаганлиги текширишни белгиланган муддатда амалга оширишга имкон бермаса” тарзида ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.**

Бундан ташқари, еттинчи қисмини “Прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан текширишни тўхтатиб туришнинг умумий муддати икки ойдан ошмаслиги лозим. Агар икки ой ичida ушбу модданинг олтинчи қисмида кўрсатилган тадбирларни бажариш ёки зарур маълумотларни, хужжатлар ва материалларни ёки уларнинг нусхаларини олиш имкони бўлмаса, текширишни тўхтатиш Ўзбекистон Республикаси Бош

**прокурори ёки у ваколат берган ўринбосарининг қарори билан икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин” тарзида;**

**саккизинчи қисмини “Текширув ушбу модданинг олтинчи қисмida белгиланган асослар тугаган тақдирда прокурор ёки унинг ўринбосарининг қарори билан тикланади” тартибида;**

**тўққизинчи қисмини “Текширишни ўтказиш даврига қуидагилар кирмайди:**

**текшириш тўхтатиб турилган муддат;**

**ушбу Қонуннинг 6-модда икки, уч, тўрт ва бешинчи қисмларида белгиланган зарур маълумотлар, хужжатлар ва материаллар ёки уларнинг нусхаларини топшириш ҳақида прокурор талабномаси юборилганидан улар тақдим этилгунга қадар бўлган муддат” таҳририда;**

**ўнинчи қисмини “Текширув тўхтатилган тақдирда, текширилган ташкилотдан (муассасадан) олинган хужжат ва материаллар текширилаётган ташкилотга (муассасага) қайтарилади, агар ушбу хужжат ва материаллар:**

**жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш;**

**натижалари текшириш хulosаларига таъсир қилиши мумкин бўлган тадқиқот, синов ҳамда маҳсус экспертизалар учун зарур бўлмаса” тарзида;**

**ўн биринчи қисмини “Текшириш муддатини узайтириш (тўхтатиб туриш, қайта тиклаш) тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки кун ичida текшириш ўтказилаётган органнинг (ташкилотнинг) раҳбарига ёки бошқа ваколатли вакилига хабар берилади” тартибида;**

**ўн иккинчи қисми “Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта текшириш ўтказишга йўл қўйилади” таҳририда;**

**ўн учинчи қисми “Текширишга бошқа давлат органларининг (ташкилотларининг) вакиллари эксперт-тахлилий функцияларни амалга ошириш учун жалб қилиниши мумкин” тартибида;**

ўн тўртинчи қисми “Прокурорнинг текшириш билан боғлиқ харакатлари (харакатсизлиги) ва қарорлари устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин” тартибида ифодаланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**II. Қийноққа солиш ва бошқа шафкатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни камситувчи муомала ҳамда жазо турларини қўллашга оид жиноят ишларида конун нормаларини тўғри қўллаш юзасидан **Олий суд Пленуми қарорининг қабул қилиниши** мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу суд амалиётида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олишга хизмат қиласи.**

**III. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг таркибий тармоғини ташкил этиш бўйича таклиф ва тавсиялар:**

Хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг самарали амалга оширилишини таъминлаш, уларнинг хуқуqlари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда хотин-қизлар ўртасида хукуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш мақсадида ҳамда ҳозирги пайтда бунга зарурат мавжудлигини инобатга олган ҳолда 10.1-бошқарма таркибида “Хотин-қизлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш бўлими” Бош прокуратура таркибий тармоғини тузиш мақсадга мувофиқ бўлади.

## **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

### **I. Норматив-хуқуқий ҳужжатлар:**

1.1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/20596>. Мурожаат этилган сана 10.06.2020 йил (date of the application June 10, 2020).

1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги ЎРҚ-257-II-сонли Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/106197>. Мурожаат этилган сана 10.06.2020 йил (date of the application June 10, 2020).

1.3. Ўзбекистон Республикасининг “Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида”ги ЎРҚ-154-сон Қонуни // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1339436>. Мурожаат этилган сана 10.06.2020 йил (date of the application June 10, 2020).

1.4. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1997 йил 30 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўртасида фуқаролик, оиласи ишлар бўйича хуқуқий ёрдам ҳамда хуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномани ратификация қилиш хақида”ги 488-I-сон қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/83334>. Мурожаат этилган сана 10.06.2020 йил (date of the application June 10, 2020).

1.5. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/111460>. Мурожаат этилган сана 10.06.2020 йил (date of the application June 10, 2020).

1.6. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси) [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/97664>. Мурожаат этилган сана 10.06.2020 йил (date of the application June 10, 2020).

1.7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ

ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 4850-сон Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3050491>. Мурожаат этилган сана 10.06.2020 йил (date of the application June 10, 2020).

1.8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни амалга ошириш, мамлакатни модернизация қилиш, инсон ҳуқук ва эркинликларининг ишончли ҳимоясини таъминлашда прокуратура органларининг ролини кучайтириш тўғрисида”ги ПФ-5019-сонли Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3177796>. Мурожаат этилган сана 10.06.2020 йил (date of the application June 10, 2020).

1.9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Суд-тергов фаолиятида фуқароларнинг ҳуқук ва эркинликлари кафолатларини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5268-сонли Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3432426>. Мурожаат этилган сана 10.06.2020 йил (date of the application June 10, 2020).

1.10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 июндаги “Инсон ҳукуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6012-сонли Фармони // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/4872355>. Мурожаат этилган сана 08.07.2020 йил (date of the application July 08, 2020).

1.11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июль кунидаги “Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-911-сонли қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/1370056>. Мурожаат этилган сана 10.06.2020 йил (date of the application June 10, 2020).

1.12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли қарори // [Электрон манба].

URL: <https://lex.uz/docs/3107036>. Мурожаат этилган сана 10.06.2020 йил (date of the application June 10, 2020).

1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 14 мартағи “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сонли қарори // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz/docs/3141186>. Мурожаат этилган сана 10.06.2020 йил (date of the application June 10, 2020).

## **II. Дарслик ва ўқув кўлланмалар:**

2.1. Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. – 966 б.

2.2. Прокурорларнинг профессионал масъулияти, асосий мажбуриятлари ва хуқуқлари соҳасида халқаро ва миллий стандартлар (ўқув кўлланма). Т.: “Fan va texnologiya”, 2011, 150 б.

2.3. Ф.Х.Рахимов, Н.Т.Авазов Ўзбекистон Республикаси ва айрим хорижий давлатларнинг прокуратура тўғрисидаги қонунлари ва уларнинг қиёсий таҳлили. II том. Т: 2018. -546 б.

2.4. Неъматов Х. “Хуқуқий ҳимоянинг мустаҳкам пойдевори”. Т., “Қонун ҳимоясида”, 2003 йил, 1 (85)-сон.

2.5. Б.Х.Пўлатов. Прокурор назорати // Дарслик. -Т: Ўзбекистон, 2009.

2.6. Басков А.И. Курс прокурорского надзора // Учебник для вузов. М., 1999, стр 468.

2.7. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик // Умумий қисм. -Т.: ТДЮИ. 2009. -424 б.

2.8. Н.Т.Авазов, А.Р.Матмуротов. Хорижий мамлакатларнинг прокуратура органлари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг қиёсий таҳлили. Илмий рисола. –Т.: ТДЮУ нашриёти, 2018 йил. 127 б.

2.9. Давлетов А.Ж. Прокурорский надзор // Учебник для вузов. Нукус “Билим”, 1999. стр. 319.

2.10. Матушевский Р.Г., Пятаков В.А. Прокуратура и прокурорский надзор. -М.:Приор-издат, 2005, стр.366.

### **III. Илмий адабиётлар ва мақолалар:**

3.1. Б.И.Латипов. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштириш”. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори(Phd) диссертацияси автореферати. –Т:2019.

3.2. М.Ғаипов. Ўзбекистонда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг коррупцияга қарши курашишбоасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни такомиллаштириш истиқболлари // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси магистратура тингловчиларининг мақолалари. -Т:2020.

3.3. Д. Ҳамдамова. Ўзбекистон Республикаси ва ривожланган хорижий давлатлар прокуратура органлари фаолиятининг қиёсий таҳлили // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура Академияси магистратура тингловчиларининг мақолалари. -Т:2020.

### **IV. Интернет сайatlari:**

- 4.1. <http://www.lex.uz>
- 4.2. <http://www.gov.uz>
- 4.3. <http://www.regulation.gov.uz>
- 4.4. <http://www.norma.uz>
- 4.5. <http://www.google.com>
- 4.6. <http://www.uza.uz>
- 4.7. <http://www.insonhuquqlari.uz>
- 4.8. <https://www.transparency.org/cpi2019?/news/feature/cpi-2019>
- 4.9. <http://www.eiu.com/topic/democracy-index>
- 4.10. <https://freedomhouse.org/report/freedom-world/2020/leaderless-struggle-democracy>

4.11. <https://kun.uz/news/2019/12/26/freedom-house-korrupsiyani-tiyib-turish-subindikatori-boyicha-ozbekistonga-0-ball-qoydi-bunga-asosiy-sabablar>

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТҮҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг қуидаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган “Прокуратура түғрисида”ги 746-XII сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган 257-II сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 6, 249-модда; Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 йил, № 51, 514-модда; 2008 йил, № 39, 390-модда; 2008 йил, № 52, 509-модда; 2011 йил, № 16, 160-модда; 2012 йил, № 38, 433-модда; 2015 йил, № 32, 425-модда; 2016 йил, № 39, 457-модда; 2017 йил, № 13, 194-модда, № 24, 487-модда, № 37, 978-модда.) қуидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

**1. 4-модданинг тўққизинчи банди** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“халқаро муносабатлар соҳасида қонунчилик ижроси устидан назорат қилиш”;

**Тўққизинчи банди** тегишинча ўнинчи банд деб ҳисоблансин;

**2. 21-моддасининг биринчи қисми** қуидаги “қонунийлик прокурор томонидан чоралар қўрилишини талаб қиласиган ҳолатда эканлигидан келиб чиқсан ҳолда қонунда белгиланган тартибда ўтказилади” деган сўзлар “қонун бузилиш ҳолатлари ҳақида олинган маълумотларни текширув ўтказмасдан тасдиқлаш ёки инкор этишнинг имкони бўлмаса, қонунлар ижросини текшириш прокуратура органлари томонидан амалга оширилади” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**Иккинчи қисми** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Текширув ўтказиш түғрисида қарор прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан қабул қилинади ва текширув ўтказилаётган ташкилот (муассаса) раҳбари ёки бошқа ваколатли вакилига текширув бошланган кундан кечиктирмай етказилади. Текшириши ўтказиш түғрисидаги қарорда текширув мақсади, асослари ва предмети кўрсатилиши лозим”;

**Учинчи қисми** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Текширув давомида текширилаётган ташкилот (муассаса) фаолиятида бошқа қонун бузилиш ҳолатлари мавжудлиги түғрисида прокурор томонидан чоралар қўрилишини талаб қиласиган, текширув ўтказмасдан туриб тасдиқланмайдиган ёки инкор этиб бўлмайдиган маълумотлар олинган бўлса, прокурор ёки унинг ўринбосари текшириш доирасини кенгайтириш түғрисида асослантирилган қарор қабул қиласи. Янги текшириш ўтказиш түғрисида қарор қабул қилинган кундан кечиктирмай текширилаётган ташкилотнинг (муассаса) раҳбари ёки бошқа ваколатли вакилига етказилади”;

**Тўртингчи қисми** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

“Текшириш ўтказиш мuddати 30 календарь кундан ошмаслиги лозим. Текшириш муддати прокурорнинг ушбу текшириш доирасида қўшимча текшириш ишларини олиб бориши зарурати билан боғлиқ бўлган алоҳида ҳолларда прокурор ёки унинг ўринбосари қарори билан узайтирилиши мумкин. Текшириш муддати 30 календарь кундан кўп бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин. Агар зарурат туғилса, кейинчалик текшириш муддатини 30 календарь кундан ошмайдиган муддатга узайтириш түғрисида қарор фақат

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки у ваколат берган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари томонидан қабул қилиниши мумкин”;

**Бешинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг турли ҳудудларида фаолият юритувчи ташкилотда (муассасада) текшириш ўтказиш муддати ҳар бир филиал, ваколатхона, алоҳида таркибий бўлинма ҳамда ташкилотнинг (муассасанинг) минтақавий филиали учун алоҳида белгиланади”;

**Олтинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Прокурор ёки унинг ўринбосари қарори билан текшириш қўйидаги асосларга кўра бир неча бор тўхтатиб турилиши мумкин:

текширув хulosаларига таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қўшимча маълумотларни олиш учун мураккаб ёки узоқ муддатли тадқиқотлар, синовлар, маҳсус экспертизалар ўтказишга зарурат мавжуд бўлиб, уларни амалга ошириш муддати белгиланган текширув вақтидан ошса;

агар текширув ўтказилаётган ташкилотнинг (муассасанинг) ҳаракати (ҳаракатсизлиги) амалга оширилаётган текширувни ўтказишга тўқсинглик қиласа ва бу текширишни белгиланган муддатда якунлашга имкон бермаса;

сўралган маълумотлар, ҳужжатлар ва материаллар ёки уларнинг нусхалари ўз вақтида тақдим этилмаганлиги текширишни белгиланган муддатда амалга оширишга имкон бермаса”;

**Еттинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан текширишни тўхтатиб туришнинг умумий муддати икки ойдан ошмаслиги лозим. Агар икки ой ичida ушбу модданинг олтинчи қисмida кўрсатилган тадбирларни бажариш ёки зарур маълумотларни, ҳужжатлар ва материалларни ёки уларнинг нусхаларини олиш имкони бўлмаса, текширишни тўхтатиш Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки у ваколат берган ўринбосарининг қарори билан икки ойдан ортиқ бўлмаган муддатга узайтирилиши мумкин”;

**Саккизинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Текширув ушбу модданинг олтинчи қисмida белгиланган асослар тугаган тақдирда прокурор ёки унинг ўринбосарининг қарори билан тикланади”;

**Тўққизинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Текширишни ўтказиш даврига қўйидагилар кирмайди:

текшириш тўхтатиб турилган муддат;

ушбу Қонуннинг 6-модда икки, уч, тўрт ва бешинчи қисмларида белгиланган зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материаллар ёки уларнинг нусхаларини топшириш ҳақида прокурор талабномаси юборилганидан улар тақдим этилгунга қадар бўлган муддат”;

**Ўнинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Текширув тўхтатилган тақдирда, текширилган ташкилотдан (муассасадан) олинган ҳужжат ва материаллар текширилаётган ташкилотга (муассасага) қайтарилади, агар ушбу ҳужжат ва материаллар:

жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш;

натижалари текшириш хulosаларига таъсир қилиши мумкин бўлган тадқиқот, синов ҳамда маҳсус экспертизалар учун зарур бўлмаса”;

**Ўн биринчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Текшириш муддатини узайтириш (тўхтатиб туриш, қайта тиклаш) тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан икки кун ичida текшириш ўтказилаётган органнинг (ташкилотнинг) раҳбарига ёки бошқа ваколатли вакилига хабар берилади”;

**Ўн иккинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Янги очилган ҳолатлар бўйича қайта текшириш ўтказишга йўл қўйилади”;

**Ўн учинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Текширишга бошқа давлат органларининг (ташкилотларининг) вакиллари эксперт-таҳлилий функцияларни амалга ошириш учун жалб қилиниши мумкин”;

**Ўн тўртинчи қисми** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Прокурорнинг текшириш билан боғлиқ ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ва қарорлари устидан қонун хужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин”.

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонунининг ижросини, ижрочиларга етказилиши ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушинтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирун; давлат бошқарув органлари ушбу Қонунга зид бўлган норматив-хуқуқий хужжатларни қайта кўриб чиқишилари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун 2020 йил “ ” “ ”дан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,

2020 йил “ ” “ ”,

“ ”-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
БОШ ПРОКУРОРИНИНГ  
БҮЙРУҒИ**

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг айрим буйруқларига  
ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**

2020 йил “ ” “ ” “ ”-сон

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг буйруқларини такомиллаштириш ҳамда уларни янги қабул қилинган қонун ҳужжатларига мувофиқлаштириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунининг 13-моддасига асосан

**Б У Ю Р А М А Н:**

1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг айрим буйруқларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Мазкур буйруқ ижросини таъминлаш учун прокуратура, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳамда Мажбурий ижро бюроси органларининг барча ходимларига етказилсин.
3. Буйруқ ижроси устидан назорат Бош прокурорининг соҳага масъул ўринbosарлари зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Бош прокурорининг  
3-даражали Давлат адлия  
маслаҳатчиси**

**Н.Т.Йўлдошев**

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг  
2020 йил “ ” “ ” “ ”-сонли буйруғига  
Илова

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг айрим буйруқларига  
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2017 йил 6 декабрдаги 172-сонли буйруғига 1-илова Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Регламентига қуидаги қўшимча киритилсинг:

1) 23-банд 1 хатбошидаги “Текширишлар назорат қилувчи раҳбар томонидан тасдиқланган режа асосида ўтказилиб” деган сўзлардан кейин ва “белгиланган муддатда якунланиши лозим” деган сўзлардан олдин “қонунда” сўзи билан тўлдирилсин.